БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 159 (906)

10 АВГУСТ ШАНБА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Тошкент область колхозлари сут тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари бажардилар

Тошкент областининг колхозлари КПСС XX съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигини муносиб равишда кутиб олиш учун бошланган умумхалқ мусобақасига қўшилиб, 9 августда сут тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари — 101,1 процент қилиб бажардилар.

Пландаги 13.200 тонна ўрнига давлатга 13.213 тонна сут топширилди. Бу эса ўтган йилдагидан 6.156 тонна кўпдир.

Айниқса, Қорасув район колхозлари сут етиштиришда энг юқори кўрсаткичларга эришдилар. Бу район колхозлари ҳар бир соғин сигирдан ўрта ҳисобда 1.703 килограммдан, Калинин районининг колхозлари 1.664 килограммдан, Оржоникидзе районининг колхозлари 1.536 килограммдан сут соғиб олдилар.

Пландан ташқари сут топшириш ва харид қилиш давом этмоқда.

Район газеталарининг шу кунлардаги вазифалари

Шу кунларда областимиз қишлоқ хўжалиги мўл ҳосил тўплашнинг охирги, ҳал қилувчи ва масъулиятли даврини кечирмоқда. Бир қатор колхоз ва совхозларда ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликни тугатиш юзасидан анча ишлар қилинди, бу йилги социалистик мажбуриятнинг бажарилиши учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратилди.

Аммо, шунга қарамасдан анчагина майдонларда ғўза ривожланишдан орқада қолмоқда. Бу айрим колхоз, совхоз, МТС ва районларда ва уларнинг раҳбарларида хотиржамликка берилиб кетиш кайфиятлари борлигидан далолат беради. Бу ҳол областимиз бўйича бу йил давлатга 500 минг тонна пахта етказиб бериш юзасидан олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилишини хавф остида қолдиради. Шундай экан ҳозирги энг муҳим вазифа—ҳосил тўплаш ва уни барвақт етилтиришнинг якунловчи даври ҳисобланган август ойида ҳамма куч ва моддий-техника воситаларидан унумли фойдаланган ҳолда ғўза парваришида юз берган қолоқликни тезда тугатиш ва қўшимча ҳосил тўплашдан иборат бўлиши керак.

Мана шу энг муҳим ва масъулиятли вазифани бажаришда район газеталари маҳаллий партия ва совет ташкилотларига яқиндан ёрдам беришлари лозим. Район газеталарининг айниқса август ойида ғўзанинг намунали парвариш қилинишни ҳамда мўл ҳосил тўпланишини таъминлашга актив хизмат қилишдан ҳам заруррок ва шарафлироқ вазифаси йўқ. Газеталарнинг ҳар кунги сонида бу ҳақда мақолалар, хилма-хил хабарлар, подборкалар, саҳифалар, кичик-кичик очерклар чиқариб туриш, илғор колхоз ва совхозлар, бригада, звено ва бўлимларнинг тажрибаларини ёритиб бориш керак.

Об-ҳаво шароитининг ноқулай келиши туфайли бу йил юз берган аҳволнинг нақадар жиддийлигини англаб етган бир қатор район газеталарининг редакциялари ғўза парваришининг дастлабки кунларданоқ бу масалани кенг ва ҳар тарафлама чуқур ёритмоқда.

Бу жиҳатдан Ўрта Чирчиқ район «Мўл ҳосил учун» газетасининг иши бирмунча ибратлидир. Газетанинг ҳар бир сонида ғўза парвариши ва ҳозирги ҳосил тўплаш даврига бағишланган ва пухта ишланган хабар, мақолалар, жиддий танқидий материаллар босилмоқда. Газетада илғорларнинг тажрибаси, кекса колхозчилар ва агрономларнинг маслаҳатлари ва ғўза парваришида намуна кўрсатиб ишлаётган фидокор кишиларнинг расмлари ҳам бериб борилмоқда.

Район газеталарининг шу кечакундузлаги асосий вазифаси—ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликни тезда тугатиш, ҳар бир колхоз ҳамда совхозда олинган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайдиган даражада ҳосил тўплаш учун социалистик мусобақани ва илғорлар тажрибасини кенг, системали равишда чуқур ёритишдан иборатдир.

Шу билан бирга район газеталари илғор колхозчилар, совхоз ишчилари ва МТС механизаторлари томонидан яратилаётган ҳар қандай янгилик, фойдали ташаббусни сезгирлик билан пайқаб олиши ва дарҳол оммалаштириши керак. Шунингдек газеталар ҳосил тўплаш соҳасида орқада қолаётганларни илғорлар даражасига кўтариб, ҳар бир звено, бригада ва колхозда умумий юксалишга эришиш вазифасини ҳал этишда партия ташкилотларига яқиндан ёрдам беришлари, бу билан социалистик мусобақа ва илғор тажрибанинг минбарига айланиши лозим.

Лекин ҳамма район газеталари ҳам бу вазифани тўла бажараётир, ўз саҳифаларида умумий ишимизнинг кўтарилишига хизмат қила оладиган юқори савияли материалларни ёритаётир, деб бўлмайди.

Масалан, «Янгийўл» район газетасини олайлик. У областдагина эмас, ҳатто республикамиздаги энг кекса район газеталаридан ҳисобланади. Район пахтакорлари бу йил давлатга 40 минг тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Аммо, район колхозларида ғўза парваришида ва ҳосил тўплашнинг ҳозирги палласида жиддий камчиликлар юз бермоқда. Редакция ходимлари бу йилги шароитда пахта ҳосили учун қураш вазифаси нақадар муҳим ва масъулиятли эканлигини ҳалигача етарли даражада англаб етмаган шекилли, газета саҳифаларида кўпинча нуқул мактовдан иборат хабар, мақолалар ёритилади. Онда-сонда босилган ва звено ҳамда бригада доирасидан нарига ўтилмаган танқидий материалларда эса ҳақиқий аҳвол чуқур, ҳар тарафлама анализ қилинмайди. Қўрқа-пуса ва юзаки тарзлагина танқид қилинган бундай материаллар аксарият авторнинг имзоси қўйилмай чиқарилади. Умуман ғўза парвариши бошлангандан бери газетада бирорта таъсирчан танқидий хабар, илғор тажрибаларни оммалаштирувчи тузукроқ материал босилгани йўқ. Афтидан район партия комитети ҳам ўз органи «Янгийўл» газетасининг иши билан жиддийроқ шуғулланмаётганга ўхшайди.

Ғанимат фурсат ўтиб бораётганига қарамай, ҳозир областимиз колхоз ва совхозларида катта майдонлардаги ғўза ривожланишдан орқада қолмоқда. Вазифа — бутун куч ва имкониятлардан унумли фойдаланиб, бу қолоқликни тезда тугатишдан иборатдир. Лекин айрим колхоз, совхоз ва МТС раҳбарлари орасида «ҳали вақт бор, шошилмаса ҳам бўлади» деган зарарли кайфият борлиги сезилмоқда.

Район газеталари бундай бепарволик кайфиятларига қарши кескин кураш олиб боришлари, масъулиятни ҳис этмаётган баъзи бир нўноқ раҳбарларни аёвсиз равишда қаттиқ танқид остига олишлари лозим. Газета саҳифаларидаги танқидий материаллар камчилик ва хатоларнинг сабабларини очиб ташлайдиган, бу камчиликларни тугатиш йўлларини кўрсатиб берадиган, фактларга бой, объектив бўлиши керак.

Мўл ҳосил тўплашнинг энг жиддий ва ҳал қилувчи ҳозирги даврида областимиз қишлоқ хўжалиги механизаторлари олдида ғўза парваришини ҳар тарафлама кучайтирган ҳолда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг тошли 40 йиллиги кунини меҳнат соҳасида катта ютуқлар билан нишонлаш вазифаси турибди.

Район газеталарининг редакциялари ҳал қилувчи кунларнинг бутун масъулиятини сезишлари, колхоз, совхозлардан оператив материаллар, активларнинг ҳат-хабарларини уюштиришлари, илғорларнинг тажрибаларини системали равишда оммалаштириб боришлари, шунингдек принципиал танқидий материалларни кўпроқ ёритишлари, шу орқали ғўза парваришидаги қолоқликни тугатиб, олинган социалистик мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилишига ўз ҳиссаларини қўшишлари керак. Шундагина газета ўзининг коллектив агитатор, коллектив пропагандист ва коллектив ташкилотчилик ролини бажара олади.

ҚОРАСУВ РАЙОН КОЛХОЗЛАРИ ДАВЛАТГА ЖУН ТОПШИРИШ ЙИЛЛИҚ ПЛАНИНИ БАЖАРДИЛАР

Қорасув район колхозларининг аъзолари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, давлатга чорвачилик маҳсулотлари етказиб беришда астойдил меҳнат қилмоқдалар. Чорвадорлар сигирлардан ўтган йилдагига нисбатан анча кўп сут соғиб олмоқдалар, гўштни кўпайтиришда яхши натижаларга эришаётирлар.

Районда давлатга жун етказиб бериш йиллик плани 101,4 процент қилиб бажарилди. Жун топшириш қизғин давом этдирилмоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ IV СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар Совети Ижроия комитети меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Советининг депутатларига билдирадики, шу йил 12 август — душанба куни шаҳар Советининг олтинчи чақириқ IV сессияси бўлади.

Шаҳар Совети ижроия комитети Узбекистон ССР Министрлар Совети ва Узбекистон КП Марказий Комитетининг 1956 йил 6 августдаги «Тошкент шаҳрининг санитария ҳолатини яхшилаш тадбирлари тўғрисида» деб чиқарган қарорининг бажарилиши ҳақидаги масалани сессия муҳокамасига тавсия қилади.

Сессия Свердлов номли театр биносида соат 16 да очилади.

Депутатлар театр биносида соат 15 дан рўйхатга олинади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

Германия Демократик Республикаси Халқ палатасининг мажлиси

Мажлисда Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегацияси қатнашди

БЕРЛИН, 8 август. **(ТАСС махсус мухбири).** Бугун Германия Демократик Республикаси Халқ палатасининг мажлиси бўлди. Бу мажлисда Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари ҳозир бўлдилар.

Эрта билан соат 10 да Н. С. Хрушчев, А. И. Микоян ва делегациянинг бошқа аъзолари Германия Демократик Республикасининг парламентига келдилар. Делегация келган йўлларда — Унтер Ден Линден, Луизенштрассе кўчаларида ва бошқа кўчаларда неча минглаб берлинликлар совет меҳмонларини зўр самимият билан табрикладилар. Улар бир неча километр масофада кўчалар бўйлаб саф бўлиб турдилар.

Халқ палатаси биносига кира беришда Халқ палатаси президиумининг раиси И. Дикман, Халқ палатаси президиуми раисининг биринчи ўринбосари Г. Матеря ва Президиумнинг бошқа аъзолари делегация аъзоларини кутиб олдилар. Улар совет меҳмонларини мажлислар залининг биринчи қаторида ўзлари учун ажратилган фахрий ўринларга бошлаб келдилар. Совет партия-ҳукумат делегацияси залда пайдо бўлганида депутатлар уни гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

Мажлислар зали одамлар билан лиқ тўлади. Депутатларнинг ўринларигина эмас, балки дипломатия корпуси, меҳмонлар, матбуот вакиллари учун ажратилган ўринлар ҳам банд эди.

Мажлисни И. Дикман очди. У, совет партия-ҳукумат делегациясини табриклайди ва палата мажлисида азиз ҳурматли совет меҳмонларининг иштирокидан ғоят хурсанд эканлигини билдиради.

Ҳукумат номидан баёнот бериш учун ГДР бош министри О. Гротеволь сўз олади.

Палата гулдурос қарсаклар остида О. Гротеволь баёнотини маъқуллади. Бу баёнотда ҳукуматнинг энг муҳим сиёсий проблемалар юзасидан тутган позицияси очиқ-равшан ва чуқур баён қилинди.

Раислик қилувчи И. Дикман Н. С. Хрушчевга сўз беради.

Депутатлар ва мажлислар залида ҳозир бўлган барча кишилар минбарга чиққан Н. С. Хрушчевни гулдурос қарсаклар билан табриклайдилар. Депутатлар унинг нутқини зўр эътибор билан тингладилар ва бу нутқ кўп марта давомли қарсаклар билан бўлиниб турди.

Н. С. Хрушчев нутқини сўзлаб бўлганидан кейин бутун залнинг гулдурос қарсаклари остида минбардан тушади.

Мажлисда депутатлар томонидан самимий кутиб олинган Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Ульбрихт нутқ сўзлади.

Шундан кейин депутатлардан М. Герлах (Германия либерал-демократик партияси), Э. Гольденбаум (Демократик деҳқонлар партияси), О. Нушке (христиан-демократлар союзи) ва Г. Хоман (Германия миллий демократик партияси) ўз партиялари фракциялари номидан гапирдилар.

Халқ палатаси депутат Г. Хоман таклифига мувофиқ, бир овоздан қабул қилган қарорида ҳукуматнинг баёнотини маъқуллади.

Совет партия-ҳукумат делегациясининг Берлинда бўлиши

БЕРЛИН, 8 август. **(ТАСС махсус мухбири).** Совет партия-ҳукумат делегацияси бугун тушдан кейин Фридрихсфельддаги қабристонда немис социалистлари ҳайкали ёнига гулчамбарлар қўйди. Н. С. Хрушчев, А. И. Микоян ва совет партия-ҳукумат делегациясининг бошқа аъзолари, шунингдек Германия Демократик Республикасининг раҳбар партия ва совет арбоблари маҳаллий вақт билан соат 17 да қабристонга келдилар. Қабристонга кира беришда фахрий қоровул саф тортди. Оркестр мотам маршини ижро этади.

Қуйидаги сўзлар ёзилган гулчамбар ҳайкал тагига қўйилади. «Немис ишчилар ҳаракати курашчиларига.

Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегациясидан».

СССР партия-ҳукумат делегацияси Фридрихсфельддаги қабристондан чиқиб, Трептов-паркка қараб йўл олади. Делегация паркка келганидан кейин, ҳалок бўлган совет жангчилари ҳайкали тагига гулчамбар қўйиш маросими бўлди. Гулчамбарга шу сўзлар ёзилган эди:

«Инсониятни фашизмдан озод қилиш учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган совет жангчиларига.

Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегациясидан».

Шундан кейин совет партия-ҳукумат делегацияси Берлин бўйлаб саёҳат қилди. Бу саёҳатда Катта Берлин обер-бургомистри Фридрих Эберт ва бош архитектор Г. Хензельман қатнашдилар. Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегацияси шаҳар бўйлаб саёҳат қилганидан кейин «Шпортхалле»даги қурилиш выставкасида бўлди.

Совет партия-ҳукумат делегацияси кечқурун соат 8 да икки группага бўлиниб, Германия Демократик Республикаси бўйлаб саёҳат қила бошлади. Н. С. Хрушчев, А. А. Громико, В. В. Гришин, В. Е. Семичастний ва Г. М. Пушкин ўртоқлардан иборат биринчи группа автомашиналарга тушиб, Лейпциг шаҳрига жўнади. Делегация аъзоларининг А. И. Микоян, П. Н. Кумикин, И. В. Спиридонов ва З. В. Миронова ўртоқлардан иборат иккинчи группаси махсус поездда Засниц шаҳрига жўнади.

Совет партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари Лейпцигга келдилар

ЛЕЙПЦИГ, 8 август. **(ТАСС махсус мухбири).** Совет партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари Н. С. Хрушчев, А. А. Громико, Б. В. Гришин, В. Е. Семичастний, Г. М. Пушкин бугун ярим кечага яқин вақтда Лейпцигга келдилар. Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. Ульбрихт улар билан бирга келди. Вақт шунчалик кеч бўлишига қарамай, совет меҳмонларининг келишидан хабардор қилинган кўп гражданлар уларни кўчаларда кутиб турар эдилар.

Неча ўн минглаб кишилар Димитровплац майдонига ва унга ёндош кўчаларга тўпландилар. Лейпциг корхоналаридаги жанговар дружиналарнинг ишчилари 1934 йилда Георгий Димитров устидан машҳур Лейпциг суди ўтказилган бино олдида саф бўлиб турар эдилар. Улар кўк комбинезонлар кийиб олганлар ва қўлларига қизил ленталар боғлаганлар.

Автомобиллар колоннаси кўринади. Совет меҳмонлари келади. Н. С. Хрушчев ва В. Ульбрихт биринчи машинадан чиқадилар. Овация бошланади. Германия Бирлашган социалистик партияси округ комитетининг секретари П. Фрелих ва округ кенгашининг раиси К. Адольфс келувчиларни кутиб оладилар.

Қисқа митинг бошланади. П. Фрелих совет меҳмонларига қарата гапириб, уларнинг Лейпцигга келишларидан ғоят хурсанд эканлигини билдирди ва Германия Бирлашган социалистик партиясининг Лейпциг округидаги аъзолари, ишчилар, деҳқонлар, интеллигентлар номидан, округнинг барча меҳнаткашлари номидан қизғин салом топширди.

Шундан кейин жанговар дружиналар колоннасининг командири Бек Н. С. Хрушчев ёнига келади. У ўз рапортида айтадики, шу кунининг — совет делегацияси аъзолари Лейпцигга келган кунининг — шиори: «Яшасин герман-совет дўстлиги! Яшасин социалистик ишимиз учун биргаликда олиб борилаётган кураш!» шиоридир.

Н. С. Хрушчев микрофон ёнига келади. Яна кучли овация бошланади. Майдондагилар рус ва немис тилларида: «Дўстлик!», «Фрейндшафт!» деган сўзларни такрорлайдилар.

Ўртоқ Хрушчев делегация шарафига айтилган самимий дўстона сўзлар учун совет партия-ҳукумат делегацияси номидан қизғин ташаккур изҳор қилади.

Ўртоқ Хрушчев Германия Демократик Республикаси ишчилар синфининг Германия Бирлашган социалистик партияси теварагида жипслашганлиги катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида, СССР меҳнаткашларининг, бутун совет халқининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси теварагига жипслашганлиги катта аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида гапиради. Ўртоқ Хрушчев совет ва немис халқлари бузилмас дўстлигининг бутун дунёда тинчлик иши учун жуда катта роль ўйнаётганлиги тўғрисида гапиради.

Ўртоқ Хрушчевнинг ёркин нутқи гулдурос қарсаклар ва табрик хитоблари билан кўп марта бўлиниб турди.

Озод немис ёшлари союзининг аъзолари бўлган қизлар совет партия-ҳукумат делегацияси аъзолари ёнига келадилар. Улар совет меҳмонларига гулдасталар тақдим этадилар.

Митинг тамом бўлди. Совет меҳмонлари гулдурос қарсаклар остида ўзларига ажратилган резиденцияга қараб йўл оладилар.

Совет касаба союзларининг 50 йиллиги олдидан

Мамлакатимизда совет касаба союзларининг 50 йиллигини байрам қилишга тайёргарлик ишлари қизиб кетди. Бу тайёргарлик хўжалик ва маданий қурилишда касаба союзларининг ролини ошириш, меҳнаткашларни Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятларни муваффақият билан бажаришга сафарбар қилиш белгиси остида ўтмоқда.

Москвадаги «Серп и молот», «Динамо», «Калибр» заводларининг, «Трёхгорная мануфактура» комбинати ва бошқа корхоналарнинг цехларида меҳнаткашлар «СССР касаба союзларининг олтик йиллиги тўғрисида» ВЦСПС тезисларини билан танишмоқдалар, касаба союз ҳаракати ветеранлари билан учрашмоқдалар. Пойтахтдаги клубларда, маданият саройларида ва кутубхоналарда СССР ишчилар синфининг оммавий ташкилоти сифатида касаба союзларининг вужудга келиши ва ривожланиши тўғрисидаги адабиёт ва фото ҳужжатлар виставкалари очилмоқда. Москва корхоналарининг бадиий ҳаваскорлик коллективлари меҳнат, ишчилар синфи, социалистик Ватанимизни куйлайдиган концерт программаларини тайёрламоқдалар.

Украина, Қозоғистон, Туркманистон ва бошқа иттифоқчи республикаларнинг ишчи ва хизматчилари ҳам совет касаба союзларининг 50 йиллигига актив тайёрланмоқдалар. Ереван, Ленинакандаги ва Арманистоннинг бошқа шаҳарларидаги минглаб ишчилар ва хизматчилар клубларга, Маданият саройлари ва паркларига тўпланиб, «Касаба союзлар ҳақида Ленининг айтгандари», «Касаба союзлар — коммунизм мактаби», «Жаҳон Касаба союзлари федерацияси — бутун дунё меҳнаткашлари манфаатларининг ифодачиси» деган темаларда лекция ва докладлар тингламоқдалар. Белоруссияда байрамга кенг тайёргарлик кўрилмоқда. Завод комитетлари ва маҳаллий комитетлар суҳбатлар ташкил қилиб, буларда ишлаб чиқариш илғорлари социалистик мусобақадаги тажрибаларини айтиб бермоқдалар.

Юбилей кунларида барча республикаларда халқ сайиллари, концертлар, экскурсиялар ва бошқа оммавий тадбирлар ўтказилади. Август ойида Москвада ВЦСПСнинг тантанали пленуми ўтказилади. Пленумда касаба союз актини ва ишлаб чиқариш новаторларни қатнашадилар. Лужникидаги Ленин номли стадионда спорт байрами ва пойтахт меҳнаткашларининг сайри бўлади.

Касаба союз адабиёти нашриёти «СССР касаба союзларининг олтик йиллиги», «Касаба союзларнинг халқаро касаба союз бирлиги учун курашдаги роли» брошюраларини кўп нусхада босиб чиқаради. (ТАСС).



Суратда: Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли колхознинг илғор сувчиси ўртоқ И. Қораев. У, сувчилик билан бирга звенога ҳам бошчилик қилади. Ўртоқ Қораев бошлиқ звено аъзолари бу йил 13 гектар ернинг ҳар гектаридан 42 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун курашмоқдалар.

В. Салов фотоси.

Тошкент халқ хўжалиги кенгашида

Тошкент иқтисодий маъмурий райони Халқ хўжалиги кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Бунда саноат корхоналари, таъминот ва тайёрлов ташкилотларининг кундалик ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалар ҳамда уларнинг бундан буён қандай ишлаши тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди. 1958 йил учун тузилган план қабул қилинди. 1958 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 7 процент кўпаяди.

Айниқса, идорачилик ғовларидан қутилиб, ишлаб чиқаришни аввалгига қараганда яхши кооперациялаштириш ва ихтисослаштириш имкониятига эга бўлган машинасозлик корхоналарида юксалиш катта бўлади. Планда машинасозлик саноати ишлаб чиқариши ҳажмини 1957 йилдагига қараганда 12,6 процент оширши мўлжалланган. «ДТ-24-3» тракторлари ва сеялкалар, культиваторлар ва ғалла тозалаш машиналари ҳамда шу сингари зарур қишлоқ хўжалик техника воситалари ишлаб чиқариш, шунингдек химия, транспорт, электротехника, биноқорлик, тўқимачилик ускуналари ишлаб чиқариш устун даражада ривожлантирилади. Газмол, пайпоқ, устки трикотаж, тўр пардалар, консервалар ва бошқа кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳам бу йилгига қараганда анча кўпайтирилади.

Тошкент ва мамлакатимизнинг бошқа иқтисодий маъмурий районлари эҳтиёжини кўпроқ қондириш мақсадида керамзи ишлаб чиқариш икки баравардан зиёд, трансформатор тайёрлаш икки хисса, кабель маҳсулотлари—2,3 баравар, трактор прицеплари—2,5 баравар кўпайтирилади. Бир қанча янги хил машиналар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

1958 йил учун белгиланган планни муҳокама қилиш давомида ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва ташкил этишда катта камчиликларга йўл қўйилаётганлиги аниқланди. Бу камчиликлар маҳсулот ишлаб чиқаришни янада юксалтиришга тўсқинлик қилиб турибди. «Узбекуголь» комбинатининг 1-кўмир разрезида, рангли металлургия саноатининг баъзи корхоналарида маҳсулот олишни бир меёрда кўпайтира боришга олдиндан тайёргарлик кўрилмаётир. Бунинг устига мазкур корхоналарда ишлаб чиқариш қувватлари техника жиҳатидан асосланган нормалар асосида энг ҳисобга олиб чиқилмаган.

Бир қанча корхоналарнинг хўжалик раҳбарлари таҳминий планни тузиш пайтида мусобақа иштирокчилари томонидан қабул қилинган реал социалистик мажбуриятларни ҳисобга олмаганлар. Масалан, Оҳангарон кўмирчилари бу йил пландан ташқари 100 минг тонна кўмир бериш мажбуриятини олганлари ҳолда, Халқ хўжалиги кенгаши Оғир саноат бошқармаси томонидан тақдим этилган лойиҳада 1957 йили Оҳангаронда кўшимча равишда 50 минг тонна кўмир қазиш «кўзда тутилади» дейилган.

Мажлисда тегишли корхоналарни янги пахта ҳосилини қабул қилиб олиш ва уни дастлабки ишлашга тайёрлаш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Пахта тозалаш заводларини ва қабул пунктларини 20 августгача тахт қилиб қўйишга қарор қилинди. Завод ва қабул пунктларининг томлари ва омборларини ремонт қилиш қонинарсиз бораётганлигини эътиборга олиб, 10 августдан 20 августгача ремонт қилиш ўн кунлиги ўтказиш ва бу ишда қуритиш-тозалаш цехларини яхшироқ тайёрлашга алоҳида эътибор бериш таъкидлаб кўрсатилди.

Бу йил пахтачилик хўжаликларининг ўзида янги қуритиш-тозалаш цехлари ташкил этиш тажриба қилиб кўрилади. Мана шундай тажриба цехлар Янгийўл районида ташкил этилади. Далварзин пахта тозалаш заводининг директори Шоғаев ва Мирзачўл пахта тозалаш заводи директори вазифасини бажарувчи Волоховский ўртоқларга мазкур корхоналарда механизмларни ремонт қилиш ва қуритиш-тозалаш цехларини модернизациялаш ишининг мутлақо қониқарсиз олиб борилаётганлиги кўрсатилиб, аҳволни тезда тузатиш топширилди.

Корхоналарнинг ярим йиллик молиявий-хўжалик фаолияти, бошқа иқтисодий районларга яримфабрикат, материал ва маҳсулотлар етказиб бериш топшириқларининг қандай бажарилаётганлиги масалалари ҳам мажлисда муҳокама қилинди. Темир йўл шоҳобчаларида вагонларнинг юк ортиш ва тушириш операцияларида белгиланганидан кўп тўхтаб қолишига чек қўйиш ва юк ташиш графигини яхши бажаришга эришиш юзасидан ҳам қарор қабул қилинди.

Мажлисда Тошкент Халқ хўжалиги кенгашининг Техника-иқтисодий кенгаши состави тасдиқланди.

БИНОКОРЛАР КУНИ ОЛДИДАН

ЮКЧИЛАР

Соат 5 дан бироз ўтган эди. Уфқда қуёшнинг заррин нурлари кўринди. Тонгнинг салқин шабадаси яқиндагина ўтқазилган сада баргларини чапак чалдирмоқда. Биз «Дружба» совхозининг тепкекис кўчаларидан ўтиб бормоқдамиз. Кўчанинг икки томонида унча катта бўлмаган, лекин шинамгина бинолар тизмаси.

Ҳамроҳимиз, 2-қурилиш бошқармасининг бошлиғи Владимир Георгиевич Долидзе совхоз қурилиши, унинг ёнида қад кўтараётган Янгиер шаҳри тўғрисида, буларни қураётган азамат бинокорлар ҳақида завқ билан сўзларди:

— Чўлни ўзлаштиришда, уй-жой қурилишида ажойиб кишилар қатнашаётир. Уларнинг қайси бири билан суҳбатлашманг, баҳрингиз очилади. Моҳир гишт терувчилар, ажойиб дурадгорлар, бетончилар ишлаб турибди. Ишқилиб, ҳар қандай касб эгасини топасиз бу ердан. Юринг, мен сизни яқин жойда ишлаётган юкчилар билан таништирай. Тўғри, бу касбни кўплар назар-писанд қилмайдилар, лекин шуни айтиб қўяйки, азамат юкчиларсиз ишимиз илгари чопмайди, ҳамма нарса уларнинг чаққон ишлашига боғлиқ... Гулмурод Уролов бошлиқ юкчилар бригадаси бутун Мирзачўлда танилган.

Афсуски, биз Гулмурод ва у бошлиқ бригада аъзоларини Владимир Георгиевич бошлаб келган жойдан топодмадик. Бу ердагиларнинг айтишига қараганда, Гулмурод бошлиқ бригадани қидириб топиш осон эмас экан. Кеча улар Ховос станциясида вагонлардан йиғма уйларни тушириб, бугун гишт ва ёғоч буюмларини қурувчиларга ташиб бериш учун қаёққадир кетган эканлар. Бу илғор бригада ҳақида кўп яхши гапларни эшитдик...

Гулмурод ўтган йилнинг кузида Совет Армияси сафидан қайтиб келди. У ўзи туғилиб ўсган қишлоғига —Самарқанд областининг Ширканд қишлоғига келди. Унинг мақсади яна кенг пахтазорларда ишлаш эди. Бироқ кўп ўтмай, чемоданни қўлга олишга, йўлга равона бўлишга тўғри келди. Чунки Партия ва Ҳукумат Мирзачўлнинг қақраб ётган ерларини ҳам кенг пахтазорга айлантириш тўғрисида қарор қабул қилган ва шу муносабат билан совет ёшларини ана шу ишда актив иштирок этишга чақирган эди.

Гулмурод 58-разъездга келиб тушганда кузнинг совуқ шамоли эсиб турган эди. Бу ерда бирорта ҳам бошпана кўринмас, бийдай чўл уфққа туташиб ётар эди. Гулмурод ёлғиз эмас эди. Бу ерда мамлакатнинг турли томонларидан келган юзлаб ёшлар тўпланган эди. Ёшлар биринчи кундан бошлабоқ ишга киришдилар. Тез орада чўл бағрида яшил палаткалар тикланди. Чўлда қайноқ меҳнат ҳаёти борган сари авж олди...

Шу йилнинг илк баҳорида Гулмурод ўзи ўсган қишлоғига, ота-онаси ҳузурига бориб келди. Ёш қурувчининг Мирзачўл ҳақидаги ҳикояси қишлоқлик дўстларини ҳайжонга солди, уларни қувонтириб юборди. Лекин баъзибир дўстлари бийдай далада бинойигина шаҳарнинг вужудга келганлигига, минглаб гектар ерлар ўзлаштирилиб, кенг пахтазорларга айлантирилганлигига шубҳа билан қарадилар.

— Янгиерликлар, шунингдек шаҳар атрофида жойлашган совхоз посёлкаларидаги ишчилар водопроводлардан сув ичаётирлар, Ильич нурлари бутун чўлни мапъалдек ёритиб турибди. Ҳademай телетрансляцион станцияси ишга тушади. Шаҳар аҳолиси Тошкент телестудиясининг спектакларини, тамошаларини ўз уйларида туриб кўрадилар. Бу ерда болангни ўқитадиган мактаб бўлса, кўнгилли дам олишинг учун клуб, кинотеатрлар бўлса, сен айтган «чўлни» қайси катта шаҳардан кам деб бўлади? Аввал кўр, сўнгра бир нарса дегин-да,—дерди жаҳл аралаш бир оҳангда Гулмурод шубҳаланган дўстларига.

...У билан Мирзачўлга бошқа йигитлар ҳам борадиган бўлишди. Эртаси куни Гулмурод ва унинг 10 га яқин дўсти Мирзачўлга қараб йўл олишди. Булар орасида Гулмуроднинг укаси—Убайдулла ҳам бор эди.

Мана, Янгиер шаҳри. Темир йўл магистралининг икки томонида ишлаётган қудратли техниканинг хайқириғи бутун чўлни ларзага келтираётир. Ёшлар қурилиш бошқармаси томон йўл олдилар. Бошқарма раҳбарлари Гулмурод билан самимий саломлашар эканлар, унинг бутун бир бригадани бошлаб келганлигидан гоят қувондилар.

— Ҳаммаларинг бир қишлоқдан экансизлар, Гулмурод,—деди 3-СМУнинг бошлиғи Павел Петрович,—энди ўзинг уларга бошлиқ бўлиб қўяқол. Юкчиликда анчагина тажриба орттиргансан...

Гулмурод аввал «қандай бўларкин» деб ўйланиб қолди, кейинчалик «ўзимизнинг йигитлар-ку, эплаб кетарман» деб бошлиқнинг таклифини қабул қилди. Шундан буён 5 ойча вақт ўтди. Гулмурод дўстларига ҳамон раҳбар, уларнинг жонажон ўртоғи. Қандай иш бўлмасин, у ҳам-қишлоқлари билан келишиб қилади. Шунинг учун ҳам бригада аъзолари Гулмуродни ҳурмат қиладилар.

Шу кунларда улар совхоз посёлкасида қурилаётган пахта тозалаш заводининг корпуслари, ишчилар учун қурилаётган посёлкаларга келтирилаётган юкларни ўз вақтида етказиб беришда ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишлаётирлар. Қисқа вақт ичида юкчилар юздан ортиқ машинадан, 50 дан ортиқ вагондан бинокорлик материаллари туширдилар. Тиниб-тинчимаган ёшлар юк бўлмай қолган пайтларда бошқа ишларни ҳам бажараверадилар.

— Ахир ҳамма вақт юкчи бўлиб қолмаймиз-ку. Йигит кишига 70 ҳунар ҳам озлик қилади, дейдилар. Биз гишт териш ва бетон қуйишни аллақачонлар ўрганиб олганмиз. Ҳademай ўзимиз муҳташам биноларга пойдевор қўямиз,—дейдилар қувониб, Гулмурод ва унинг дўстлари...

Тунов куни Гулмуроднинг отаси Янгиерга, ўз фарзандларининг олдига меҳмон бўлиб келди. У ўғиллари Гулмурод ва Убайдулланинг бу ердаги барча ёшлар билан завқли ҳаёт кечираётганлигини кўриб, юракдан қувонди. Кекса ота қайноқ шижоат билан меҳнат қилаётган азамат ёшларга қарар экан:

— Ҳавасим келади сизларга, чўл қаҳрамонлари, — деди.

М. БИКАДОРОВ.

Иш суръатини оширмоқдалар

Катта Оҳангарон қурилишини олиб бораётган «Узбекшахтстрой» трести биринчи қурилиш бошқармасининг коллективи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, йил бошидан бери ойлик планларни мунтазам равишда ошириб адо этиб келмоқда.

Бошқарма бинокорлари июль ойида ҳам катта муваффақиятга эришдилар. Ойлик план муддатидан беш кун илгари бажарилди. Қўшимча равишда 600 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Шу ойда давлатнинг 200 минг сўмга яқин маблағи иқтисод қилинди, меҳнат унумдорлиги анча ортди.

Бошқарманинг уй-жой бинолари қурилишида ишлаётган бригадалари айниқса юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Йўлдошев бошлиқ ер текислаш, Бондарь, Абдуллаев ўртоқлар бошчилигидаги сувоқчилар бригадалари ойлик ишлаб чиқариш планларини 200-250 процентдан бажариб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Бошқарма бинокорлари уй-жойларни тез, пухта, арзон ва сифатли қуриш учун ўзаро социалистик мусобақани кун сайин тобора қизитмоқдалар.

М. МИРҲАМИДОВ.



Янгиер шаҳрида уй-жой қурилиши кундан-кунга кенгайиб бораётир. Суратда: шаҳарнинг янги кварталида қурилаётган уй-жой бинолари.

П. Ковалев фотоси.

Фан ва техника янгиликлари

«ФЕСТИВАЛЬНИЙ»

Рига автомобиль заводининг коллективи ёшлар ва студентларнинг VI Жаҳон фестивали шарафига «Фестивальний» маркали янги автобус тайёрлади. Бу автобус «Победа» енгил автомашинасининг базаси асосида яратилди. Автобусда ҳаммаси бўлиб 10 ўрин бор. Бошқарув рули ёнига радиоприёмник ўрнатилган. Машинанинг оғирлиги 1,5 тонна бўлиб, у соатига 80 километр тезликда юра олади.

Бундай микроавтобус бизнинг мамлакатимизда биринчи марта ишлаб чиқарилаяпти.

ТЕЛЕВИЗИОН МИКРОСКОП

Чехословакия олимлари жонли микробларни 20 минг марта катта қилиб кўрсатадиган янги телевизион микроскоп яратдилар. Бу микроскопнинг қулай томони шундаки, унинг ёрдами билан микропроцессларни оммавий бўлиб кўриш мумкин. Одатдаги микроскопда эса микро процессларни фақат бир киши кузата олар эди. Бу янги аппаратнинг ишлаш принципи унчалик мураккаб эмас. Оптик микроскопдаги тасвир телевизион узатиш камерасида акс эттирилади ва кучайтирилади, шундан сўнг у бир ёки бир неча приёмникка узатилади. Телевизион микроскоп фойдаланиш учун жуда қулайдир.

САБЗАВОТЛАРНИ НУРЛАНТИРИШ

СССР Фанлар академиясининг Москвадаги А. Н. Бах номли биохимия институтининг мева ва сабзавотлар лабораторияси илмий ходимлари сабзавотлар (картошка, пиёз, чеснок ва бошқалар)нинг бузилмай сақланиш муддатини узайтиришда атом энергиясидан фойдаланишнинг янги методини ишлаб чиқдилар. Олимлар ўсимликлар танасида радиация таъсири натижасида юз берадиган биохимик процессларни текширдилар. Текшириш натижасида маълум бўлдики, радиоактив кобальт билан нурлантирилган картошка бир йил давомида ўсмайди ва озуқа сифати бузилмайди.

Сабзавотлар сифатини бузмай, узоқ вақт сақлашга имкон берадиган махсус аппарат ишлаб чиқилди. Транспортёр ва бункердан тузилган бу аппарат орқали нурлантириш бир меёрда, текис олиб борилади. Ҳозир картошкани нурлантирадиган саноат жиҳозларини қуришга тайёргарлик олиб борилмоқда.

ЯНГИ АППАРАТ

Ёмон сифатли ўсма касалликлари (рак, саркома) билан курашда уларни ўз вақтида аниқлаш жуда муҳимдир.

«Медсантруд» номли Москва касалхонасининг врачи Я. П. Обельницкий қон плазмаларининг иссиқлик коагуляцияси (иссиқлик таъсири билан ивиши) методи билан организмдаги ёмон сифатли ўсма касалликларини олдиндан аниқлашнинг янги методикасини ишлаб чиқди.

Я. П. Обельницкий конструкцияси бўйича текшириш ишлари электрофотоколорметр ёрдамида ўтказилади. Бу асбоб ишлатишдаги қулайлиги, тўғри ва аниқ кўрсатиши билан ажралиб туради. Янги метод ёмон сифатли ўсма касалликларини ўз вақтида ва тўғри аниқлашда врачларга катта ёрдам беради.

РЕПОРТАЖ

„Кўпни кўрган кўп билади...“

Бу йилги қабул имтиҳонлари жуда бошқача вазиятда ўтаётир. Олий ўқув юртларига кириш учун кечаю-кундуз тинимсиз ҳаракат қилаётган ёшларнинг диллари шод. Ўқитувчилар ҳам хурсанд. Негаки, дастлабки имтиҳон натижалари уларнинг чеҳрасини очиб юборган. Ахир қувонмай бўладими? Кечагина станок ёнида туриб металл қирққан, осмон билан ўпишган биноларга гишт қўйган, гавмуш сигирлардан челак-челак сут соғиб олган ёшлар бугун меҳнат дафтарчасини қабул

Суратда: МПС машинасозлик заводининг ишчиси Анвар Тожиев Ўрта Осиё политехника институтига кириш учун имтиҳон топшираётир.

———☆ ☆———

комиссиясига мағрур топшириб, доска олдида мураккаб математика масалаларини ечаётир. Икки йиллик мустақил ҳаёт ёшларга билим, катта тажриба берган.

Мана, Кузнецк металлургия заводининг прокатчиси Вера Левкина. У ўнинчи синфни битиргач, шу заводда уч йил ишлади. Шу қисқа вақт ичида, у, цех комсомол ташкилотининг секретари бўлиб ишлади. Лекин ёшлик, қувноқлик уни ўқишга тортди. Вера ҳаётда анча тажриба орттирди, оғир-енгилни бошидан кечирди, энди у албатта сабот ва чидам билан ўқийди. Уни САГУ аудиторияларининг бирида учратдик.

— Мен тарихчи бўламан, ғўжаал ватанимизнинг тарихини ўрганаман, — деди у.

Вера Левкина иккита имтиҳон топширди. Ҳар иккаласи ҳам беш...

Сенга муваффақият тилаймиз, Вера!

Мамамурод Эшниёзов ҳам Бера сингари ҳаёт тажрибасидан ўтган. Ўнинчи синфни битиргач, Хоразмнинг Манғит районида анчагина йил ўқитувчи бўлиб ишлади, у юрист — ҳуқуқшунос бўлмоқчи. Дастлабки имтиҳонлардан юқори баҳо билан ўтди.

САГУ га кириш учун имтиҳон топшираётган Неля Фаттанова, Лола Усмонова каби юзлаб ёшлар ҳаётнинг аччиқ-чучигини озми-кўпми тотганлар. Энди улар ўқиш даврида оладиган назарий билимларини ҳаётда кўрганларига асослиқ боғлайдилар, ўқишни битириб, ишга-меҳнат қучоғига борганларида уялиб қолмайдилар.

Ўрта Осиё Политехника институтига борсангиз, яна ҳам қувониб кетасиз. Қайси йигит-қизни тўхтатиб бирор савол берманг, «икки йиллик стажим бор, палон заводда ишлаганман» деб мағрур жавоб қилади, меҳнат дафтарчасини кўрсатади.

Самад Йўлдошев мактабдан тўғри «Ташсельмаш» заводига келди, уни корхона коллективи самимий кутиб олди. У икки йил ичида механика цехидаги талайгина станокларнинг тилини билиб олди ва шу станокларда пахта териш машинасининг мураккаб деталларини тайёрлаб, бошқаларни қойил қолдирди. Ахир у ўрта маълумотли эди-да! Шунинг учун ҳам у осонлик билан касб эгаллай олди.

Самад механика факультетига кирмоқчи. У албатта кира олади. Чунки энг муҳим фанларнинг ҳаммасидан «5» олди. Яхши касб танлабсан, сабот билан ўқийвер, ука!..

Бу йил олий мактаблар студентликка енгил шартлар билан ўқувчиларни қабул қилаётир. Кимки 2 йил ишлаб чиқаришда меҳнат қилган бўлса, конкурссиз қабул қилинаётир. Бу дастлабки шарт. Яхши ва фойдали шарт!

Ўнинчи синфни битириб, республикамизнинг завод-фабрикаларида меҳнат қилаётганлар оз эмас экан. Фақат САгПИгагина меҳнат стажи билан 700 киши ариза берди. Булар қониқарли баҳо билан имтиҳон топширсалар бас. Ҳаммалари қабул қилинади.

Биз физикадан имтиҳон олаётган САгПИ ўқитувчиси ўртоқ Х. Рашидовадан:

— Кимлар имтиҳонни дўрустроқ топшираётир, ишлаб чиқаришдан келганларми ёки тўппа-тўғри мактабдан келаётганларми? — деб сўрадик.

Ўқитувчи сира иккиланмай жавоб берди:

Суратда: Б. Арзбекова математикадан ёзма имтиҳон топшириш учун бутун фикрини мураккаб масала устига тўпларди.

———☆ ☆———

— Ҳеч шубҳасиз, меҳнат стажи билан келган йигит-қизлар муваффақият билан имтиҳон бераётирлар. Уларнинг фикр доираси кенг, масалаларни осонлик билан ечаётирлар, физика қонунларини яхши биладилар. Ахир, «кўпни кўрган кўп билади», дейдилар-ку!

Пойтахт олий ўқув юртларида қабул имтиҳонлари қизғин давом этмоқда.

А. АБДУАЗИМОВ.





Суратда: 1. Ўқитувчи Ҳакима Рашидова политехника институтига кираётган Ф. Саъдуллаева (чапда) дан имтиҳон олмоқда. 2. Вера Левкина тарих фани юзасидан берилаётган саволларга аниқ ва равшан жавоб бермоқда.

В. Салов фотолари

КОНСУЛЬТАЦИЯ

Пенсия олиш учун қандай ҳужжатлар керак?

Пенсия олиш учун мурожаат қилган киши ўз паспортини, паспорт системаси жорий қилинмаган жойларда эса ариза берган киши ўзининг кимлигини, яъни шахсини, ёши ва турар жойини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат кўрсатади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советининг 1956 йил 14 июлдаги сессиясида қабул қилинган Давлат пенсиялари тўғрисидаги Қонунда кўзда тутилган пенсиялардан бирортасини олишга бўлган ҳуқуқини исбот этадиган ҳужжатлар илова қилиниши керак.

ҚАРИЛИҚ ПЕНСИЯСИ ОЛИШ УЧУН КЕРАК БЎЛГАН ҲУЖЖАТЛАР

Қарилик, яъни кексалик пенсиясини олиш учун ариза берадиган киши район (шаҳар) социал таъминот бўлимига ўз ёшини, иш стажини ва иш ҳақининг миқдорини тасдиқлайдиган ҳужжатлар топшириши лозим. Меҳнат дафтарчаси иш стажини тасдиқлайдиган асосий ҳужжатдир. Бундан ташқари, иш стажини исбот этиш учун меҳнат ва хизмат рўйхатлари, инвалид артеллари ва ҳунармандчилик кооперациялари аъзоларининг аъзолик дафтарчалари ҳам асос бўлиши мумкин.

Ариза берган киши ишлаган идора, муассаса ва корхона ёки шу системанинг юқори ташкилоти томонидан берилган справка, шунингдек ишлатани ҳақида давлат архивининг берган справкаси ҳам меҳнаткашнинг иш стажини тасдиқлайди.

Бошқа ҳужжатлар бўлмаган тақдирда расчёт дафтарчалари ва касаба союзининг аъзолик билети ҳам иш стажини тасдиқловчи ҳужжат сифатида қабул қилиниши мумкин. Бироқ, расчёт дафтарчасида иш ҳақи тўлагаплиги ёзиб борилган вақтгина, касаба союзининг аъзолик билетида эса фақат иш ҳақи ёки стипендия ҳисобидан взнослар тўланиб борилган вақт ҳисобга олинади.

Айрим кишиларга ёлланиб ишлаган шофер ёки уй хизматчиси ва бошқа шу каби кишиларнинг иш стажи касаба союз ташкилотининг справкаси билан тасдиқланади. Агар бундай ҳужжат олиш мумкин бўлмаган тақдирда, ёллаб ишлаётган кишининг тегишли уй бошқармаси, маҳалла комиссияси ёки қишлоқ Совети томонидан тасдиқланган еправкаси кифоя қилади. Бу хилдаги справканинг тўғрилиги уй бошқармаси, маҳалла комиссияси ёки қишлоқ Советининг вакили иштирокида район (шаҳар) социал таъминот бўлими вакили томонидан текшириб тузилган акт билан тасдиқланиши лозим.

Қарилик пенсияси ариза берган ишчи, хизматчининг истагига қараб, ёки сўнгги 12 ой мобайнида олиб келган ўртача иш ҳақи юзасидан, ёки иш даврининг сўнгги 10 йилидан истаган қатор 5 йилнинг ўртача иш ҳақи юзасидан ҳисобланади. Шунга кўра, пенсия тайинлашни сўраб ариза берган киши бир йилнинг 12 ойи ёки 5 йилнинг 60 ойи учун белгиланган формада справка топширади. Бундай справкани ариза берувчи кишига у одам ишлаган идора, ташкилот ёки корхона беради. Агар пенсия сўраб ариза бермоқчи бўлган кищи ишлаган идора, ташкилот ёки корхона тугатилган бўлса, иш ҳақи тўғрисидаги справкани унинг ўрнида қолган идора, ташкилот ёки корхона беради, ёки бухгалтерия ишлари топширилган архив муассасалари беради.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, пенсия тайинлашда зарур бўлган иш ҳақи бошқа ҳужжатлар, масалан, тўғри ёзиб, тўғри расмийлаштирилган расчет дафтарчаси орқали ҳам тасдиқланиши мумкин.

Иш стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги ҳужжатлар биргина қарилик пенсияси учун эмас, пенсиянинг барча турлари учун ҳам талаб қилинади.

ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ИНВАЛИДЛИК ПЕНСИЯСИ ОЛИШИ УЧУН КЕРАК БЎЛГАН ҲУЖЖАТЛАР

Инвалидлик пенсияси олиш учун ариза берадиган киши район (шаҳар) социал таъминот бўлимига ўзининг иш стажи ва иш ҳақи тўғрисида справкалар тақдим этмоги лозим. Умумий касаллик билан эмас, балки иш пайтида рўй берган бахтсиз ҳодиса туфайли меҳнат инвалиди бўлиб қолган кишилардан уларнинг иш стажлари тўғрисида справка талаб қилинмайди, лекин улар социал таъминот бўлимига иш вақтида рўй берган бахтсиз ҳодиса тўғрисида расмийлаштирилган акт ёки тегишли идора, корхона, ташкилотнинг бу ҳодиса тўғрисида берган справкасини, ёки бўлмаса халқ судининг бу ҳақдаги қарори ёки шу сингари бошқа расмийлаштирилган ҳужжатни топширишлари лозим.

Меҳнат инвалидларига ва профессионал касаллик натижасида инвалид бўлиб қолган кишиларга пенсия уларнинг иш стажларидан қатъий назар белгиланади.

Агар ариза берган киши имтиёзли миқдорда, яъни оддий пенсияга нисбатан ортиқроқ пенсия олишни истаса, ўзининг ерости ишларида, меҳнат шароити зарарли бўлган ишларда, иссиқ цехларда ёки меҳнат шароити оғир бўлган ишларда ишлаганлигини неботлайдиган ҳужжат топширади.

БОҚУВЧИСИНИ ЙЎҚОТГАНИ САБАБЛИ БЕРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ОЛИШ УЧУН КЕРАК БЎЛГАН ҲУЖЖАТЛАР

Боқувчисини йўқотганлик сабабли бериладиган пенсияни олиш учун ариза берадиган киши қуйидаги ҳужжатларни топшириши лозим:

Биринчидан, боқувчиси вафот этганлиги ҳақида ЗАГС гувоҳномаси, дараксиз йўқолганлиги тўғрисида (ҳарбий хизматга алоқаси бўлмаса) нотариал конторадан олинган ҳужжат, агар боқувчиси меҳнат инвалидлиги оқибатида вафот этган бўлса, бахтсиз ҳодиса тўғрисида тузилган акт ёки бошқа расмий ҳужжат. Оила боқувчисининг вафот этганлиги ЗАГС гувоҳномасида кўрсатилган бўлмаса, боқувчининг ёшини тасдиқлайдиган ҳужжат.

Иккинчидан, боқувчининг иш сифати ва иш ҳақини тасдиқлайдиган ҳужжат;

учинчидан, боқувчи қарамоғида бўлган оила аъзолари тўғрисида уй бошқармаси, маҳалла комиссияси ёки қишлоқ Советидан олинган справка ёки бошқа ҳужжат. Бундай справкада ёки бошқа хил ҳужжатда ҳар бир оила аъзосининг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган вақти (йил ва ой) ва боқувчининг ким эканлиги ёзиб кўрсатилган бўлиши керак.

Вафот этган боқувчининг қарамоғида эканлигини тасдиқлайдиган тегишли ҳужжат бўлмаган ёки уни янгидан олиш мумкин бўлмаган тақдирда масалани суд орқали ҳал қилиш мумкин.

Боқувчининг эри ёки хотини эканлиги ниқоҳ тўғрисидаги гувоҳнома ёки суд ҳукми билан исбот қилинади.

Агар вафот этган киши пенсионер бўлса, у кишининг вафоти ҳақидаги ЗАГС гувоҳномаси, қарамоғида бўлган оила аъзолари тўғрисида справка топширилади.

Лозим бўлган тақдирда район (шаҳар) социал таъминот бўлимига 16 дан 18 ёшгача бўлган оила аъзоларининг ўқиётганлиги тўғрисида мактабдан справка, вафот этган кишининг 8 ёшга тўлмаган боласи, иниси, сингляси ёки набирасини боқиш билан банд бўлган отаси, онаси, эри ёки хотинининг ишламаётганлиги тўғрисида уй бошқармаси, маҳалла комиссияси ёки қишлоқ Совегининг справкаси топширилади.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ИНВАЛИДЛИК ПЕНСИЯСИНИ ОЛИШ УЧУН КЕРАК БЎЛГАН ҲУЖЖАТЛАР

Ҳарбий учетдан чиққан ҳарбий хизматчи ўзининг касаллиги тўғрисида ҳарбий комиссариат томонидан берилган гувоҳноманинг тасдиқланган копиясини ёки ҳарбий врачлар комиссияси (ВВК) нинг справкасини топширади.

Агар инвалидлик ҳарбий хизматдан чиқиб кетгандан кейин рўй берган бўлса, касаллик тўғрисидаги гувоҳноманинг копияси ўрнига ҳарбий хизматда бўлганлиги тўғрисида ҳарбий комиссариатдан олинган справкани тақдим этади.

Агар ҳарбий хизматчи ҳарбий хизматга чақирилишидан илгари ишчи, хизматчи ёки ҳунармандчилик кооперациясининг аъзоси бўлиб ишлаган бўлса, унинг қилган хизматини тасдиқлайдиган ва лозим бўлган тақдирда имтиёзли миқдорда пенсия тайинлаш учун керакли иш стажлари тўғрисида тегишли ҳужжатлар, шунингдек иш ҳақи тўғрисида справка топширилиши керак.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ОИЛАСИГА ТАЙИНЛАНАДИГАН ПЕНСИЯНИ ОЛИШ УЧУН КЕРАК БЎЛГАН ҲУЖЖАТЛАР

Ҳарбий хизматчилар оиласига тайинланадиган пенсияни олиш учун ҳарбий хизматчи оиласи район (шаҳар) социал таъминот бўлимига қуйидаги ҳужжатларни топширади:

Биринчидан, ҳарбий хизматчининг вафот этган вақти ва сабабини кўрсатган ёки бедарак бўлиб кетганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат.

Иккинчидан, ҳарбий хизматга чақирилмасдан илгари ҳарбий хизматчининг қарамоғида бўлган оила аъзолари тўғрисида уй бошқармаси, маҳалла комиссияси ёки қишлоқ Советидан олинган справка ёки бошқа ҳужжат.

Учинчидан, лозим бўлган тақдирда район (шаҳар) социал таъминот бўлимига 16 дан 18 ёшгача бўлган оила аъзоларининг ўқиётганлиги тўғрисида мактабдан справка, шунингдек вафот этган кишининг 8 ёшга тўлмаган боласи, иниси, сингляси ёки набирасини боқиш билан банд бўлган отаси, онаси, эри ёки хотинининг ишламаётганлиги тўғрисида уй бошқармасининг ёки қишлоқ Советининг справкаси топширилади.

Тўртинчидан, агар оила бошлиғи (боқувчи) ҳисобланган ҳарбий хизматчи ҳарбий хизматга чақирилишидан илгари ишчи, хизматчи ёки ҳунармандчилик кооперациясининг аъзоси бўлиб ишлаган бўлса, унинг қилган хизматини тасдиқлайдиган ва лозим бўлган тақдирда имтиёзли миқдорда пенсия тайинлаш учун керакли иш стажлари тўғрисида тегишли ҳужжатлар, шунингдек иш ҳақи тўғрисида справка топширилиши керак.

Пенсия тайинлангандан кейин пенсионерга пенсия гувоҳномаси берилади.

Ариза берган кишининг пенсия олишга ҳуқуқи бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар, пенсия тайинлашни сўраб берилган аризаларнинг барчаси район (шаҳар) ижроия комитети ҳузуридаги пенсия тайинловчи комиссияси мажлисининг муҳокамасига қўйилиши керак.

СССР Министрлар Советининг 1956 йил 4 августдаги 1044 сонли қарори билан тасдиқланган пенсия тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 156-моддасига мувофиқ комиссиянинг қароридан норози бўлган киши меҳнаткашлар депутатлари район (шаҳар) Советининг ижроия комитетига шикоят қилиши мумкин.

Ж. БУРХОНОВ,

Тошкент шаҳар Совети социал таъминот доимий комиссиясининг раиси.

ТЕЛЕГРАММА

Боёвут район партия комитетининг секретари ўртоқ А. Сардоровга
Район ижроия комитетининг раиси А. Қурбоновга

Текширишда аниқланган маълумотга қараганда, Боёвут район колхоз ва совхозлари июлда — ҳосилга ҳосил қўшиш ойлигида шу давр учун белгиланган топшириқни бажара олмадилар. Культивация юзасидан берилган топшириқ 53,7 процент, чопиқ эса 40 процент адо этилган. Колхоз, совхозларда ҳали авжи паст ғўзалар кўп. 1 августгача 6096 гектар ердаги ғўзанинг ҳар тупида ўрта ҳисоб билан 1-2 тадан кўсак бор, 6855 гектар майдондаги ғўза энди гуллаган, 438 гектар ердаги ғўза эса ҳали гулга кирмаган.

Район ўтган йилга нисбатан 15-20 процент кўп сув олаётгани ҳолда, ғўзани суғориш кечикаётир. Кечаси суғориш яхши ташкил этилмаган, айрим ҳолларда сувни исроф қилиш фактлари содир бўлаётир. «Фарҳод», Булганин номли совхозларда ғўза парваришида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Чеканка ҳам ҳаддан ташқари кечиктирилаётир. Утган йил 1 августгача районда 11 минг гектар майдондаги ғўза чеканка қилинган бўлса, бу йил шу муддатгача 2839 гектар ердаги ғўза чеканка қилинган, холос.

«Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси колхоз ва совхозларда ғўза парваришидаги камчиликларни август ойида бартараф қилиш, ҳар бир туп ғўзада 10-12 тадан кўсак етиштириш юзасидан қандай амалий тадбирлар кўрилаётганини маълум қилишингизни сўрайди.

Ушбу телеграммага илова қилиб қуйидаги материални ҳам босаётирмиз.

«Тошкент ҳақиқати» газета редакцияси.

Боёвут райони колхоз ва совхозларида ғўза парвариши қониқарсиз аҳволда

«Коммунизм» колхозининг аъзолари бу йил 1225 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28,5 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Чигит барвақт экилганига қарамай, у ердан кеч ундириб олинди. Утган йилги муваффақиятни мустаҳкамлаш ва юксак мажбуриятни шараф билан адо этиш учун ғўза парваришини агротехника талабларига мувофиқ юқори сифатли ўтказишда сусткашликка йўл қўйилди. Дастлабки кунларда колхоз раҳбарлари ўртасида мағрурланиш юз берди. Бу, дала ишларининг боришига салбий таъсир қилди. Анча майдондаги ғўза ўсишдан орқада қолиб, мажбуриятнинг бажарилмай қолиш хавфи туғилди.

Колхоз раҳбарларининг йўл қўйган камчиликлари областимизга келган мусобақадошлар томонидан ўз вақтида кўрсатилиб, қимматли маслаҳатлар берилди. Колхозчилар ва раҳбарлар бундан тегишли хулоса чиқардилар. Ғўза парвариши Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорларида кўрсатилганидек уюштирилди. Ҳозир колхознинг 1000 гектардан ортиқ майдондаги ҳар туп ғўзасида 8-10 тадан тўқ кўсак, кўплаб шона, гул бор. Айниқса Ҳайдаров, Маъмуров, Субхонов, Латипов, Назаров ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг иши қувонарлидир. Колхозчилар Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг август ойида ғўза парваришини ўтказиш ҳақидаги қарорини муҳокама қилдилар ва ғўза парваришини янада кучайтириш тадбирларини белгиладилар. **Уз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, ҳосилни ҳар гектарига 3,5 центнерданга ошириб, гектаридан 32 центнердан ҳосил етиштириш юзасидан оширилган мажбурият қабул қилдилар.** Ҳозир бутун куч юксак мажбуриятга яраша ҳосил етиштиришга сафарбар этилди.

Аммо райондаги бошқа колхоз ва совхозларда ғўза тупларида ҳосил кам бўлишига қарамай дала ишларининг суръати паст, сифати ёмон. Ҳосил тўплаш ойлигида ғўзани комплекс парвариш қилиш юзасидан тузилган графикнинг қарийб ярми ҳам бажарилмади.

Райондаги колхоз ва совхозларда ҳосил тўплаш ишида жиддий аҳвол юз берганига қарамай, хотиржамлик кайфияти ҳукм сураётир. Кейинги кунларда ғўза парвариши соҳасидаги ишлар анча сусайиб кетди.

Область партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида Булганин номли совхозда ғўза парваришининг қониқарсиз ташкил қилингани айтилди. Бу масала Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюро мажлисида ҳам муҳокама қилинди ва совхозда ғўза парваришининг қониқарсиз бораётгани кўрсатилди. Совхоз директори У. Юсупов, партия ташкилотининг секретари Мирбобоев, бош агроном Токов ўртоқлар Марказий Комитет ва область партия комитети қарорларидан зарур хулоса чиқардиларми? Чиқармадилар. аксинча ғўза парвариши яна бўшаштириб юборилди. Совхоз раҳбарлари бу йилги шароитни ҳисобга олмасдан, дала ишларига бўш ва юзаки раҳбарлик қилаётирлар.

Совхознинг 3 ва 5-бўлимларида ғўзанинг 1-комплекс парвариши ҳалигача тугалланмаган. Катта майдонлардаги ғўзалар бир марта чопилганича ётибди. 1742 гектар ердаги ғўза бир марта суғорилганича қолиб кетган. Совхоздаги сводкага қараганда 3217 гектар майдондаги ғўза энди икки марта, 1062 гектар ердаги ғўза эса учинчи чопиқдан чиқарилган, холос.

Ҳосил тўплаш ойлигининг аввалги икки ўн кунлиги учун тузилган график қониқарсиз якунланганидек, учинчи ўн кунликда бўлимларга берилган топшириқ ҳам бажарилмади. Ғўзалар сифатсиз парвариш қилиниб, суғорилмаганидан ҳосилнинг нобуд бўлиши — гул, тугунчаларнинг тўкилиши кўпаймоқда.

9-бўлим чопиқ юзасидан берилган графикни 217 процент бажарибди-ю, 540 гектар ўрнига атиги 158 гектар ердаги ғўза суғорилибди. Иккинчи бўлимда аҳвол бундан ҳам ёмон. Бўлим бошлиғи ўртоқ Тўхтасинов, агрономлар Холмирзаев, Холиқовлар ҳам далада кам бўладилар. Кўпроқ бошқа ишлар билан шуғулланадилар. Бўлимда 810 гектар ердаги ғўзадан 10 кунда атиги 314 гектари суғорилиб, бундан 251 гектари чопиқдан чиқарилган. 63 гектар ердаги ғўза қақраб кетган.

Совхозда 500 гектардан кўпроқ ердаги ғўза ҳанузгача ўтдан тозаланмаган, 700 гектардан ортиқ ердаги ғўзалар ривожланишдан жуда орқада қолмоқда. Ишни бўшаштирмасдан, ғўза парваришини давом эттириш, ёмон ғўзаларни яхши, ҳосилдор қилиш керак. Айниқса қолоқ участкалардаги ғўзаларга алоҳида эътибор бериш, қўшимча озиқлантириб, қатор ораларини сифатли парвариш қилмоқ зарур.

Чеканка — ҳосилни оширишда катта роль ўйнайди. Совхоз раҳбарлари бунинг аҳамияти тўғрисида кўп гапирадилар, бошқаларга насиҳат қиладилар. Аммо бу ишни ўзлари қониқарсиз бажарадилар. 2 августгача фақат 161 гектар майдондаги ғўза чеканка қилингани бу муҳим тадбир билан совхоз директори ва бош агроном жиддий шуғулланмаётганини кўрсатади.

1-Боёвут совхозида ҳам ғўза парваришида жиддий камчиликларга йўл қўйилаётир. Совхозда ҳали шоналамаган ғўзалар бор. 1000 гектарга яқин майдондаги ғўзанинг ривожи пастлиги устига, шу ерларни ўт босиб ётибди. Айниқса 8-бўлимда ғўза парвариши жуда ҳам ёмон аҳволда. 200 гектар ердаги ўсишдан қолаётган ғўзалардан ташқари, 80 гектар ердаги ғўза жуда сийрак. Бу ғўзалар сийрак деб парвариш қилинмаётир. Бўлим бошқарувчиси Разнеченко шу кунларда қониқарсиз ишламоқда. Бўлимда совхоз партия ташкилотининг бюро аъзоси, посёлка Советининг раиси ўртоқ Сувонқулов узоқ вақтдан буён вакил. Аммо ишда эса ҳеч қандай ўзгариш йўқ. 4-6-бўлимларда ҳам шу каби камчиликларга йўл қўйилаётир.

Совхозда қишлоқ хўжалик зараркунандалари кўплаб тарқалган. Ҳашаротга қарши кураш эса талабга жавоб бермайди. Фақат 9 та ОДН ишлаётир!

«Фарҳод» совхозининг директори ўртоқ Исмоилов район партия комитетининг пленумида 300 гектардан кўпроқ ердаги ғўзанинг ночор эканини эътироф қилиб, ғўза парваришини кучайтирамиз, деб айтган эди. Лекин ваъда бажарилмади. Совхозда ғўзани суғориш, сувдан унумли фойдаланиш талабга жавоб бермайди. Кечаси суғориш ташкил этилмаган, сувчилар иш тепасида бўлмайдилар. Совхоз раҳбарлари бўлимларга, бригадаларга камдан-кам борадилар. Жойлардаги ҳақиқий аҳвол билан яхши таниш эмаслар.

— Шу ғўзаларни беш-олти кун илгари кўрганимда ҳавасим келган эди, — деди «Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Т. Латипов, биринчи бўлимнинг катта картадаги ғўзасини кўрсатиб, — бўлим раҳбарлари ғўзани яхши парвариш қилмасдан чакки қилибдилар.

Дарҳақиқат совхозда бу хилдаги нуқсонлар жуда кўп. Совхоз раҳбарлари бундай аҳволдан хабарсизлар.

Район колхозларида ҳам ғўза парвариши сусайтириб юборилган, ривожланишдан орқада қолаётган ғўзалар кўп. Карл Маркс номли колхознинг 5-8-бригадаларида мажбуриятни қоплайдиган ҳосил йўқ. Бу колхозда район партия комитетининг МТС зонаси бўйича секретари Исломов, МТС партия ташкилотининг секретари Шмаков, халқ судининг раиси Нишонов ва бошқалардан иборат вакиллар группаси бор. Лекин қолоқ бригадалардаги аҳволни бартараф қилишда улар ҳеч қандай амалий ёрдам бермаётирлар. Жданов номли, Ленин номли колхозларда ўт босган ва озиқлантирилмаган ғўзалар бор. Ўртоқ Раззоқов бошлиқ бригадада ғўзаларни бостириб суғориш авж олган.

Боёвут райони бу йил мамлакатга 51 минг тонна пахта топшириши керак. Бунга барча бригада, звено ва бўлимлар мажбуриятини бажаргандагина эришиш мумкин. Иш ана шу нуқтаи назардан ташкил қилиниши керак.

Район партия комитети, район ижроия комитети, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари олинган социалистик мажбуриятларнинг тўла бажарилиши учун, биринчи навбатда, ғўза парваришига оператив раҳбарлик қилишлари, ғўза парваришини пахта очилгунча қизғин давом эттиришни таъминлашлари керак.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Гулистон районидаги «Красная заря» колхози аъзолари ҳосилга-ҳосил қўшишни қизғин давом эттирмоқдалар. Колхозда кундалик нормасини ортиғи билан бажариб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлиб ишлаётганлар кўп. Уртоқ Зулхумор Мустаева ана шулар жумласидандир. У ёз бўйи фидокорона меҳнат қилиб ғўза парваришида актив қатнашиб келмоқда. Уртоқ Мустаева шу кунларда ҳам берилган топшириқни ортиғи билан бажараётир, ғўзани чопиқ қилиш ишини сифатли бажараётир. **Суратда: ўртоқ З. Мустаева.**

М. Шевелев фотоси.

ҲОСИЛГА-ҲОСИЛ ҚЎШМОҚДАЛАР

Калинин номли колхознинг илғор бригада ва звенолари ишни Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «1957 йил август ойида ғўза парваришини ўтказиш ҳақида» деб чиқарган қарори асосида ташкил этиб, ғўза парваришини қизғин давом эттирмоқдалар. Колхознинг ўртоқ Мади Давронов бошлиқ бригада аъзоларининг ғўза парвариши соҳасида эришаётган ютуқлари айниқса қувонарлидир. Улар 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 22 центнердан ҳосил топширишга аҳд қилганлар. Бригада далаларини айланар эканмиз, колхозчилар ва механизаторлар фидокорона меҳнат қилаётганлиги туфайли ғўза тупларида олинган мажбуриятни бажариш имкониятини берадиган даражада ҳосил тўпланганлигини кўриб қувондик.

Бригадада меҳнат тўғри ташкил этилган, ўзаро социалистик мусобақа кучайтирилган. Карим ота Қодиров бошлиқ звено аъзолари мусобақада олдинда бормоқдалар.

— Звеномиз аъзолари, — деди биз билан суҳбатда кекса пахтакор Карим ота, — гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Ҳозиргача 20 гектар ердаги ғўзамиз 4 марта узунасига ва кўндалангига культивациядан чиқарилди, озиқлантириш, суғориш ишларини ҳам ўз вақтида ўтказмоқдамиз.

Звено аъзоларининг сўзи билан иши бир эканлигини уларнинг ёз бўйи қилган меҳнатларининг самараси кўрсатиб турибди: ҳар туп ғўзада 6-8 тадан бўлиқ кўсак ва шона бор.

Илғорлар августнинг ҳар бир кунидан унумли фойдаланиб, ҳосилга-ҳосил қўшишни давом эттираётирлар.

Н. РИХСИЕВ.
Пискент райони.

Гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг янги бир резерви

Бутун совет халқи ва шу жумладан Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партиямизнинг аҳоли жон бошига гўшт, сут ва ёғ етиштириш соҳасида яқин йиллар ичида Америка Қўшма Штатларига етиб олиш ҳақидаги чақириғи юзасидан амалий иш бошладилар.

Бу катта вазифани бажаришда чорва молларнинг сонини кўпайтириш билан бир қаторда, мавжуд молларни боқиб семиртириш ва уларнинг этини йўқотмай сақлаш ҳам муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг шу йил 13 январдаги бирлашган мажлисида ўртоқ Муҳитдинов айтган эдики, 1956 йилда республика колхозлари давлатга ориқ моллар топшириш натижасидагина 35 минг центнердан ортиқ гўшт йўқотдилар, бу эса 100 минг бош қўйга ёки 17 минг бош қорамолга тенг келади. Бундай катта йўқотишлар натижасида колхозларда чорва молларининг сони унчалик тез ўсмайди.

1956 йилда колхозлар томонидан давлатга топширилган ва сотилган ориқ молларнинг бир қисми Ўзбекистон ССР Гўшт ва сут маҳсулотлари саноат министрлиги системасида боқувга қўйилди ва семиртириш натижасида қора молларнинг этига 3. 905 тонна, қўй, эчкиларнинг этига 1. 051 тонна эт қўшилди. Бу ортиш ўртача тирик вазни 203 килограмм бўлган 19. 200 та қорамолга ёки ўртача тирик вазни 36 килограмм келадиган майда шохли молларга тенглаштирганда 29. 200 қўй-эчкига баравар келади. Бошқача қилиб айтганда, агар колхозларнинг ўзлари молларини боқиб, семизлигини ўртачага етказиб топширганларида, улар тахминан 20 минг қорамол ёки 30 минг қўй-эчкини хўжаликда олиб қолган бўлар эдилар.

Чорвачиликни ривожлантиришда қолоқ колхозларга самарали ёрдам кўрсатиш, топширилган молларни тайёрлаш ташкилотлари системасида боқиб семиртириш тартибини ўзгартириш дуруст бўлади деб ҳисоблаймиз. Бунда колхозлар чорва молларини бевосита заготскот эмас, балки мол боқиш пунктларига топширадилар. Бу ерда моллар боқиб семиртирилганидан кейин колхозлар билан ҳисоб-китоб қилинади. Натижада колхозлар қандай фойда кўрадилар? Ҳозирги мавжуд қоидага кўра, колхоз давлатга гўшт топшириш юзасидан, масалан, вазни 200 килограмм келадиган мол топширганда, бу мол 145,5 килограммга қабул қилинади. Чунки тирик ҳолда молнинг вазнидан қорин ва ичакларидаги кераксиз нарсалар ҳисобига 6 килограмм ҳамда ориқлиги ҳисобига 48,5 килограмм чегириб юборилади. Шундай қилиб, агар колхоз ана шундай моллан 4 та топширса, бир бош молни йўқотаверади.

Молларни боқувга топширишнинг биз таклиф қилаётган янги тартиби жорий қилинганида, ҳар бир мол юзасидан чиқариб ташланадиган 48,5 килограмм миқдор ҳам колхоз топширган гўшт ҳисобида бўлади. Демак, ҳар бир молни боқиб семиртириш натижасида унга қўшилган эт тайёрлаш ташкилотига гўшт ҳисобига ўтади. Тўғри, колхоз молни боқиб семиртирганлик учун боқиш пунктига ҳақ тўлайди. Аммо бу ҳақ мол этига қўшилган гўшт қимматидан кам бўлади.

Шундай қилиб, колхоз молни семиртириш ҳисобига гўштдан фойда қилиш билан бирга, бир қанча молни ўзида сақлаб ҳам қолади. Туёқ камаймайди, балки ўсади.

Бутун йил давомида молларни шу усулда планли равишда боқиб семиртиришни йўлга қўйиш ва бунда колхозларни чинакам манфаатдор қилиш — мол тайёрлашда ва ундан гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқаришда мавсумчиликни кўп даражада камайтиради. Мавсумчилик эса мол тайёрловчи ташкилотларнинг ва гўшт маҳсулотлари чиқарувчи корхоналарнинг ишида жуда катта қийинчилик туғдириб келмоқда.

Масалан, мана шундай мавсумчилик натижасида, Тошкент гўшт комбинатида 1955 йилнинг биринчи кварталида фақат 10,6 процент, 1956 йилнинг биринчи кварталида эса 16,1 процент мол сўйилди. 1955 йилнинг тўртинчи кварталида 44,6 процент, 1956 йилнинг тўртинчи кварталида эса 38,4 процент мол сўйилди.

Чорва молларини тайёрлашдаги мана шундай мавсумчилик натижасида йилнинг тўртинчи кварталида Заготскот базаларида моллар тўпланиб қолиши, уларни ўз вақтида олиб кетмаслик ҳамда ем-хашак билан тўла таъминламаслик сабабли моллар кўпинча жуда ориқлаб қолади.

Мол сўйишдаги мавсумчилик эса ортиқча гўштни ва гўшт маҳсулотларини сақлаш ҳамда музлатиш учун қўшимча маблағ сарфлаш заруриятини келтириб чиқаради, сўйилган молларнинг қўшимча маҳсулотларидан тўла фойдаланиш имкониятини бермайди, ишчи кучидан тўғри фойдаланишни қийинлаштиради.

Гўшт саноатининг ривожланиши ва яхши ишлаши чорвачиликнинг ривожланишига бутунлай боғлиқдир. Бунда саноатнинг қишлоқ хўжалигига амалий ёрдам бериши катта аҳамиятга эга.

М. НОВИКОВА.
Тошкент гўшт комбинатининг директори.

ЁЗУВЧИЛАР — ДЕКАДАГА

Иброҳим Раҳим

ФРОНТ ЙЎЛИ[1]

1.

Октябрнинг охири, ноябрнинг киришида бошланган қиш шу кунларда айниқса зўрайиб кетди.

Адолат Россия қишини биринчи марта синаяпти. 7 ноябрь куни Москва Қизил майдонидан ўтганидан кейин, уларнинг ротаси шу жойга келиб тўхтади. Адолат бу жойнинг номини ҳам билмайди. Яқин ўртада ҳеч қандай қишлоқ ҳам йўқ, атрофлари ўрмон ва кенг дала. Шу ердан катта йўл ўтган. У қишлоққа хат ёзай, адрес берай деса, нима ёзишини билмайди. «Катта йўлдаман» деб ёзсинми? Жанг майдонларидан ўтган бундай катта йўлларнинг сон-саноғи йўқ.

— Шу ерга шлагбаум қурамиз, — деди рота командири.

Қишлоқи қиз Адолат умрида шлагбаум қурмаган. У Москвадан келаётиб бир неча марта контроль пунктлардан ўтган бўлса ҳам, кечаси шлагбаумларни яхшилаб кўриб ололмади.

Шлагбаум биринчи куниёқ йўл устига қуриб битказилди, ёнига будка қўндирилди. Нина шлагбаумни оқ-қора қилиб бўяди. Ўрмон чеккасига брезентлардан чодир-палаткалар тикланди. Адолат қандай ном билан аташни билмаган жойга «ВАД-25» деган ном қўйилди.

Ҳамма нарса тахт бўлгандан кейин сарғиш шинелли қизлар навбатма-навбат постда тура бошладилар. Лейтенант биринчи кунлари Адолатни постга қўймади. «Иш ўрган, тартиб ўрган, ҳарбий ҳаётга кўник», деди у. Ҳар куни ўрмонда машғулот бўлиб турди. Адолат сержантнинг командаси билан қизил байроқчани кўтариб, пастга тушириб, яна кўтариб машқ қилди. Аммо ҳар куни бир хил нарсани такрорлайвериш унинг кўнглига тегди. У, лейтенантнинг ижозати билан, шлагбаум олдига чиқиб, «тажриба» ўргана бошлади. Москва—Минск йўлидан қўшинлар: пиёда қисмлар, отлиқлар, артиллерия, танклар, ҳатто учувчилар ҳам тўхтовсиз ўтиб турди.

— Нима учун учувчилар пиёда юришти? — деб сўради Адолат Нинадан.

— Улар учувчилик мактабларини битириб, фронтдаги авиация қисмларига кетаятилар, — деб жавоб берди Адолатнинг москвалик дугонаси.

— Денгизчилар қаёққа боришяпти, бўлмаса?...

— Улар денгизчилар эмас, катюшачилар; формалари матросларникига ўхшайди.

Кунлар, ҳафталар ўтди. Адолат ҳарбий йўл қоидалари ва қонунларини ўрганиб олди. У биринчи марта постда турган куни қатнов унча кўп бўлмади. Шунинг учун ҳам у контроль постдан ўтадиган ҳар бир машина ва ҳар бир кишининг ҳужжатини текширишга улгурди.

— Сизнинг ҳужжатингиз?

— Путёвкани кўрсатинг!

— Колонна бошлиғи ким?

Шлагбаумдан ўтаётган колонналар, солдатлар, командирлар кулранг шинель, кубанка шапка кийиб олган қизил юзлик, қора кўзлик, ўрта бўйлик қиздан кўз узолмас, агар ишлари шошилинч бўлмаса шу ерда бироз дам олиш пайига тушиб қолар эдилар. Колонналарда кетаётган баъзи бир солдатлар Адолатга яқинлашгач:

— Смирно! Чап ёнга қара! Смирно! Унг томонга қара! — деб, ҳар хил командалар бериб, унга тегажаклик қилиб ўтардилар.

Адолат бир неча кунгача бу хил ҳазилларга кўниколмади, ғаши келди ва ҳатто жаҳли чиқиб, баъзи солдатларга ўшқириб берди ҳам.

Аравалар, машиналар, танклар Адолат олдида секинлаб ўтардилар. Шоферлар, танкистлар регулировкачи қизга сигнал билан салом берар, кабиналардан бошларини чиқариб, ҳарбий честь бериб ўтардилар. Баъзи бир шоферлар шлагбаумга яқинлашганда машиналарини тўхтатиб, моторни ўчириб, ҳар хил нарсаларни баҳона қилиб, йўл сўрабми, гап сўрабми, гўзал қиз олдидан кетолмас эдилар. Агар Адолат: «Ўртоқ шофер, машинани йўлдан олинг!» деса, улар «мотор қизиб кетди», дер эдилар. Баъзи шоферларнинг машиналари албатта «ВАД-25»га келганда атайлаб «бузилиб» қолар эди...

— Тезроқ жўнанг, бўлмаса машинангизни ВАДга топшириб, ўзингизни командир олдига олиб бораман, — деб дўқ ҳам қиларди, Адолат.

Адолатнинг бу талабига уларнинг кўплари:

— Майли сиз билан бирга нариги дунёга боришга ҳам тайёрман, — деб жавоб қилардилар.

Адолат бўш машиналарни албатта орқасига қайтариб, шлагбаумни тоннасига лойиқ юки бор машиналаргагина очар эди. Неча-неча шоферлар унга атир, упа, ироқи совун ва кремлар келтириб совға қилардилар. Адолат уларга «раҳмат» дер, лекин ҳар қанча ялиниб-ёлборсалар ҳам совғани олмас эди.

— Шу қизнинг ҳам севгани бормикин? — дерди баъзи солдатлар.

— Шу ўжар қиз ҳам севишни билармикин?

Адолатга кўзи тушган, иши тушган ва ишқи тушган йигитларнинг ҳаммаси ҳам ана шундай ҳаёлнинг асири эди.

Аммо бутун фронтга довруғи кетган бу қизнинг ҳаёлида фақат Нормат кезар эди. Адолат фронтга кетаётган ва фронтдан келаётган кишилар орасидан биргина Норматни қидирарди. Шлагбаумдан ўтадиган командирларга, солдатларга ва шоферларга биринчи марта берадиган саволи: «Ҳужжатингиз? Путёвкангиз?» — бўлса, иккинчи саволи: «Қисмингизда ўзбеклар борми?» дан иборат эди. Улар: «бор» ёки «билмадим» деб жавоб қайтарар, аммо ўша ўзбекларнинг исм-фамилияларини айтиб беролмас эдилар.

— Қанақа ўзбеклар? Қаерлик?..

— Олов йигитлар экан. Хўп иш кўрсатишяпти. Баъзилари орден ва медаллар олдилар. Аммо қаерлик эканини билмаймиз, — дерди солдатлар.

Адолат йўловчилардан бир неча марта «Нормат Жабборов деган солдат борми?» деб сўрамоқчи ҳам бўлди-ю, лекин тили бормади.

— П-Я 11698 деган адресни биласизми?

— Адреслар ўзгарган...

— Сиздан бир нарсани сўрасам айтасизми?

— Жоним билан, сўранг яхши қиз, — деди шлагбаум олдида тўхтаган машина кабинасидаги капитан.

— Қисмингизда ўзбеклар борми?

— Ўзбеклар борми, йўқми бундан хабарсизман. Аммо грузин, арман, озарбайжонлар кўп. Қўшни полкда қозоқлар ҳам бор.

— Ўртоқ капитан, биринчи батальоннинг ошпази ўзбек, — деди унинг ёнида ўтирган шофер, Адолатга кулиб қараб.

— Мен сўраётган одам ошпаз эмас.

Бу машина ҳам йўлга тушди.

Хуллас, Адолат Норматдан хабар тополмади...

2

Эрталаб постга кетаётганларга рота командирининг шахсан ўзи йўл-йўриқ берди.

— Бугун айниқса ҳушёр бўлинглар! — деди лейтенант, — Вязьма, Юхнов ва Можайск атрофларига душман кўпорувчилик мақсадида парашютчилар туширибди. Ана шу парашютчиларнинг баъзилари катта йўлларда фронтга бораётган қисмлар ҳақида радио орқали сигнал бериб, штурмовикларни чақирмоқдалар. Битта ҳам машина, битта ҳам одам текширилмай қолмасин. Ҳар бир ҳодиса ҳақида ротага хабар қилиб туринглар!

Адолат постга келиши билан командир айтган парашютчилар, сигнал бериб душман самолётини чақирадиган жосуслар ҳақида ўйлай бошлади. Гўё улар Москва—Минск магистралида фронтга бораётган қўшинлар ҳақида радиосигнал бериб штурмачи самолётларни «ВАД-25»нинг Адолат турган пунктига ҳужумга чақираётгандек туюлди. Адолат одамлар ва техниканинг бир жойга тўпланиб қолишига йўл қўймаслик учун битта ҳам машина, битта ҳам одамни тўхтатмай, ҳужжатини текшириб, шлагбаумдан тез-тез ўтказиб туришга ҳаракат қилар эди.

Қор учқунлаб турибди. Совуқ шамолда Адолатнинг юзи янада қизариб, қўллари ёрилиб кетган. Машиналар бир оз сийраклашиб қолди. Адолат будкага кириб қўлини иситиб чиқса бўлади. У будкага кириб, қўлини челакда, алангаланиб турган кўмир чўғига тутган эди, совуқда таранг бўлган териси тарсиллаб ёрила бошлади, бармоқ суяклари зириллаб, аччиқ оғриқ пайдо бўлди. Шу чоқ устма-уст сигнал эшитилди. Адолат югуриб будкадан чиқди. Шлагбаумнинг икки томонида машиналар тўпланиб қолган эди. Адолат дастлаб фронтга келаётган машиналарнинг ҳужжатини текширишга тушди. Фронтдан келаётган машиналар тоқатсиз сигнал бера бошладилар. Адолат уларни ҳам текшириб бўлгач, шлагбаум ёғочини кўтарди. Машиналар икки томонга ғизиллаб ўта бошладилар.

Адолат Москва томонга бораётган машиналар колоннасини синчиклаб кузатиб турди. Колоннанинг охирроғида шлагбаумдан ғизиллаб «Виллис» ўтиб қолди. Адолат колоннани текшираётганда бу «Виллис»ни кўрмаган эди. Қаёқдан пайдо бўлди бу машина? Нега, у, колоннанинг ичида, контроль постдан паналаниб ўтаяпти? Бирор балоси йўқмикан бунинг? Адолат қизил байроқча билан сигнал берди:

— Тўхта!

«Виллис» Адолатнинг сигналини кўрмагандек визиллаб келаверди. «Виллис»да икки киши ўтирибди: бири шофер, иккинчиси майор. Адолат ўз ҳукмини ўтказиш учун машинанинг командирига қараб қичқирди.

— Ўртоқ майор!

Машина тўхтади ва Адолат ҳужжат сўраши ҳамон майор планшетадан қоғозлар олиб узатди. Майор Гороховнинг шахсий гувоҳномаси, Москвага командировка, путёвка...

Адолат ҳужжатларни қаради-да, «бир оз туринг» деб будка томон юра бошлади.

— Нега бизни тўхтатасиз! — деди майор жаҳл билан, — иш зарур.

— Путёвкани аниқлаш керак. Муддати ўтиб кетибди.

— Э, шундайми, адаш бериб қўйгандирман, — деди майор планшетини қидириб, — мана буёқда экан...

Адолат иккинчи путёвкани синчиклаб қаради, бунисн эртаги куннинг числоси билан ёзилган эди.

«Тўхтаб туринглар, ҳозир келаман!» деди-да, Адолат командирга хабар қилиш учун будкага борди. Шу вақт «Виллис» тўсатдан ўрнидан жилиб қолди. Адолат трубкани ташлаб, «Виллис»га «тўхта!» деб сигнал бера бошлади.

Майор Адолатга қараб: «Ишимиз зарур, вақт йўқ» дегандек ишора қилди-да, «хайр-хайр» дегандек қўлини қимирлатиб, кетаверди.

— Тўхта! — деди Адолат, овозининг борича қичқириб.

«Виллис» тўхтамади. Адолатнинг ҳаёлига лейтенант айтган гаплар келди... Адолат елкасидан автоматини олди-да, осмонга қараб ўқ узди. «Виллис» тўхтамади. Унинг сигналга итоат қилмаганини кўргач, Адолат автоматни «Виллис»га тўғрилаб туриб икки-уч бор ўқ узди. «Виллис»нинг баллони ёрилиб, ўрта йўлда кўндаланг бўлиб тўхтаб қолди. Майор машина кабинасидан йиқилиб тушди...

— Регулировкачи қиз майорни ўлдирди, — деб қичқирди шлагбаум олдида турганлардан бири.

Шу вақт шлагбаум олдидаги юк машинасидан калта пўстинлик бир солдат тушиб, Адолатнинг қўлидаги автоматга ёпишди.

— Буёққа бер, сенга ким берди бу қуролни?

— Қоч, яқинлашма! — деди Адолат жаҳл билан, — мен постда турибман.

— Постда турган кўрганни отаверадими?

— Мен Москвани қўриқлаяпман, яқинлашма менга!

— Москвани қўриқлагинг келса фронтга бор, бу ерда совет кишиларини ўлдиришга ҳаққинг йўқ!

Адолат унга овозининг борича бақириб берди.

— Қоч, қуролга тегма!

Пўстинлик солдат Адолатнинг автоматини тортиб олмоқчи бўлган эди, Адолат унинг билагини тишлаб олди ва солдатнинг қўлидан чиқиб, «Виллис» томон югурди. Пўстинли солдат юк машинасининг кузовосидан милтиғини олиб, Адолатнинг орқасидан югурган эди, можара чиққан жойга тўпланган командирлар уни тўхтатиб қолишди.

Автомат товуши эшитилгач, регулировкачилар ротасида тревога кўтарилиб, навбатчи взвод қизлари ҳодиса жойига югуриб келишди. Шу ерда рота командири ҳам пайдо бўлди.

— Нима гап? — лейтенант Адолатдан сўради.

Адолат командирга рапорт бериш учун қаддини ростлаган эди, шлагбаумга кўзи тушиб қолди. Шлагбаум посбонининг постдан кетгани ва ҳамманинг можара билан банд бўлганидан фойдаланиб, кимдир олаёғочни кўтариб қўйибди. Катта йўлга терилган машиналар ўзбошимчалик билан ўтаётибди. Энг олдинги машинанинг қанотида ҳалиги пўстинли солдат Адолатга мушт ўқталиб келмоқда.

Адолат жуда тезлаб келаётган яна бир машинанинг йўлини тўсди. Унинг ёнига Нина қўшилди, кейин бошқалар... Қизлар машиналарни тўхтатиб қолдилар.

(ДАВОМИ 4-БЕТДА).

[1] **«Чин муҳаббат»** романидан парча

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги пионерлар уйи ўқувчиларнинг ёзги каникулни хушчақчақ ва мазмунли ўтказишлари учун турли тадбирларни амалга оширмоқда. Пионерлар уйининг ёш туристлари ўлка бўйлаб саёҳатга ҳам чиқадилар. **Суратда:** ёш туристлар Тянь-шань тоғи этагида ўзлари қурган палатка ёнида.

В. Бектуганов фотоси.

Ёшлар душанбалиги

Чирчиқдаги «Электрохимия» комбинатининг ёзлик театр биносида ҳар ойда тўрт марта ёшлар душанбалиги деб аталувчи кун ташкил қилинган. Ёшлар душанбалигига ҳар сафар ҳам 600 дан ортиқ йигит-қиз қатнашмоқда. Шу куни театрда қизиқарли ва актуал темаларда лекциялар ҳамда суҳбатлар ўтказилади, бадиий чиқишлар бўлади.

Ёшлар кунининг бирида йиғилганлар «Ленинград — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг бешиги», «В. Маяковский ижодида В. И. Ленин образи», «Октябрнинг 40 йиллиги — совет халқининг улуғ байрамидир» деган темаларда доклад тингладилар. Лекциядан сўнг совет спорти тўғрисида фильм намойиш қилинди.

Ёшлар эътиборини ўзига тортаётган бу тадбир муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

Қизиқарли лекция

Яқинда Тельман номли маданият ва истироҳат паркида «Тошкент минерал суви» деган темада лекция бўлди. Бу қизиқарли лекцияни профессор Г. М. Фрейдович ўқиди. Лектор урология, бўқоқ, бод ва бошқа касалликларни даволашда Тошкент минерал сувининг аҳамияти ва стационарда олиб борилаётган даволаш ишлари натижалари тўғрисида муфассал гапирди. У ўз врачлик практикасидан кўпгина конкрет мисолларни ҳам келтирди.

Бундан ташқари, лектор минерал сувни қандай шароитда совуқ ва қандай шароитда илиқ ҳолида ичиш кераклигини ҳам айтиб берди.

Лекцияни тингловчилар профессор Фрейдовичга кўп саволлар бериб, қониқарли жавоб олдилар.

ХОДИСА

Рекс жиноятчиларни топди

Яқинда Бўстонлиқ район матлубот союзига қарашли магазин эшигини номаълум кишилар лом билан бузиб, бир қанча қўл соатлари ва анчагина қимматбаҳо товарларни ўғирлаб кетдилар. Маҳаллий ташкилотлар Чирчиқ шаҳар милиция органидан ўғриларни топишга ёрдам беришни илтимос қилдилар. Милиция младший лейтенанти ўртоқ Афанасьев ўргатилган Рекс лақабли исковуч ит билан жиноят содир бўлган жойга дарҳол етиб келди.

Рекс магазин атрофи ва бино ичини искаб, ҳидни билиб олгач, магазиндан ташқарига отилади. У Бараж томонга қараб 5 километр юради. Бирдан Рекс йўлда кетиб бораётган иккита номаълум кишига вовуллаб, ҳамла қила бошлайди. Кучук ҳамласидан қўрқиб, саросимага тушиб қолган ҳалиги кишилар қўлларини юқорига кўтариб, ўз жиноятларига иқрор бўлишди. Улар ўғирланган нарсаларнинг яшириб қўйилган жойини кўрсатишди. Қидирув изчил давом эттирилиб, ўғриларнинг яна учта шериги топилди.

Чирчиқ шаҳар милиция органи ходимларининг ёрдами билан тутилган ўғрилар жиноий жавобгарликка тортилди.

Фестиваль делегатлари В. И. Ленин ва И. В. Сталин хотирасини ҳурматлаб эсга олмоқдалар

Шу кунларда ёшлар ва студентлар VI Жаҳон фестивалининг қатнашчилари Қизил майдонга кетма-кет келиб турибдилар. Кўп мамлакатларнинг йигит ва қизлари Кремль деворлари ёнига, В. И. Ленин ва И. В. Сталин мавзолейига келмоқдалар.

8 август эрта билан турли мамлакатлардан келган ва мавзолейни зиёрат қилишни истаган делегатлар Қизил майдонга тўпландилар. Вьетнам ёшларининг катта бир группаси биринчи бўлиб мавзолей ёнига келади. Улардан кўпининг кўкракларига жанговар орденлар тақилган. Бу орденлар ўз ватанини ажнабийлар асоратидан озод қилиш йўлида олиб борилган курашда иштирок қилганликларини кўрсатувчи нишонлардир.

Янги гуллардан ясалган чамбар ленталарига шу сўзлар ёзилган: «В. И. Ленин ва И. В. Сталинга Вьетнам делегациясидан», Сурия, Болгария, Гана, Исроил, Мўғулистон, Индонезия ёшларининг вакиллари ҳам гулчамбарлар қўйдилар.

Франция йигит ва қизлари Қизил майдонга сафга тизилиб кириб келадилар. Улар қарийб 700 кишидан иборат.

Йигитлардан икки киши — Констан Цитуглю ва Мишель Конперон жуда катта гулчамбарни авайлаб кўтариб келадилар. Улар оппоқ блуза кийганлар ва бўйинларига қизил галстукларни тақиб олганлар. Гулчамбар ленталарига рус ва француз тилларида шу сўзлар ёзилган: «Самимий ҳурмат билдириш юзасидан Франция Коммунистик ёшлар союзидан». Парижлик уч дугона — Элен Нови, Ивет Сонсон ва Ролянд Леон Франция қизлари союзи номидан мавзолейга гулчамбар қўйдилар. Француз ёшларининг янги группаси мавзолей ёнига келади. Христион Синьер, Анде Сеник ва Жан Ля-Ведель Франция коммунистик студентлар союзи номидан гулчамбарлар келтирадилар.

В. И. Ленин ва И. В. Сталин мавзолейини зиёрат қилиш кечгача давом этди. Шу куни Голландия, Польша, Австралия, Ҳиндистон, Германия, Бельгия, Ливан, Канада, Норвегия, Исландия ва бошқа кўп мамлакатларнинг йигит ва қизлари бу ерда бўлдилар. (ТАСС).

III ХАЛҚАРО ДУСТЛИК СПОРТ ЎЙИНЛАРИ

Москвада давом этаётган III халқаро дўстлик спорт ўйинларида совет спортчилари янгидан-янги ғалабаларга эришмоқдалар.

СОВЕТ ШТАНГИСТИ БУШУЕВНИНГ ЖАҲОН РЕКОРДИ

Енгил вазндаги штангистларнинг мусобақалари тамом бўлди. Совет штангисти Бушуев ана шу спортнинг уч тури бўйича биринчи ўринни ва учинчи халқаро дўстлик спорт ўйинлари чемпиони номини олди. У 385 килограмм (120, 115, 150 килограмм) кўтарди. Бу эса жаҳон миқёсида янги рекорддир. Хитой спортчиси Хуан Цзян-юй иккинчи ўринни ва Абаджиев (Болгария) учинчи ўринни олди.

8 август (ТАСС).

Ленинские горидаги халқаро клубда

ИСТИҚБОЛ ХАЛҚЛАРНИНГ ҚУЛИДАДИР

Илмий башорат мумкинлиги тўғрисидаги масала философларнигина қизиқтириб қолмай, инсониятнинг тақдири тўғрисида фикр юритаётган барча кишиларни ҳам қизиқтирмоқда. Шу темага бағишланган ва 7 августда тамом бўлган халқаро студентлар семинари фестивалнинг кўп қатнашчиларини ғоят қизиқтирди.

Семинарда истиқболни олдиндан кўриш мумкинлиги тўғрисида жуда хилма-хил фикрлар баён қилинди. Семинарда материалистлар ва идеалистлар чиқиб сўзладилар. Урушнинг олдини олиш мумкинми, деган масала дискуссия қатнашчиларини қизиқтирган асосий масала бўлди.

Ёш совет философи Игитханян бундай деди:

— Биз, урушнинг бўлиши муқаррар деб ҳисобловчи кишиларнинг фикрига қўшила олмаймиз. Бундай «башорат» тинчлик тарафдорлари ҳаракати кучларини ва халқларнинг ўзлари ўз тарихининг ижодкорлари эканлигини эътиборга олмайди.

Сўзга чиққан кишиларнинг кўпчилиги шу фикрга қўшилди.

Цейлонлик юрист-студент Тикирибандарадисанаике бундай деди:

— Халқларнинг яхши иродаси тантана қила олишига ишонаман. Биз бунинг учун мамлакатлар ўртасида муносабатларни яхшилаш учун курашмоғимиз ҳамда ишонч ва сабрлик кўрсатишимиз керак.

Германия Федератив Республикасидан келган католик Хауфнагель қуйидагиларни айтди:

— Мен «Тинчлик ва дўстлик» деган шиорни қувватлайман ва Ленин томонидан илгари сурилган тинч-тотув яшаш идеяси барча католикларга мақбулдир, деб ҳисоблайман.

Илмий башорат тўғрисидаги масала мустамлака мамлакатларнинг халқлари мустақилликка эриша оладиларми, деган масала ҳамдир.

Нигерия вакили Колагбоди бундай деди:

— Одамлар осмон жинсларининг ҳаракатини олдиндан билиб олишни ўргандилар. Аммо ҳозирги вақтда биз, мустамлака халқлари учун бошқа бир башорат, яъни социал башорат айниқса муҳимдир. Бундай башорат бўлмаса, Африкани озод қилиш учун кураш олиб боришнинг маъноси йўқ. Озодлик проблемаси ижобий тарзда ҳал этилажаги шубҳасиздир. Хитой ва Гана биз учун яхши мисол бўла олади.

АТОМ ЭНЕРГИЯСИДАН ФАҚАТ ТИНЧЛИК МАҚСАДЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК

Философлар семинари билан бир қаторда атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш масалалари юзасидан халқаро семинар ўтказилди. Бу семинарнинг қатнашчилари ҳам фан ва жамиятнинг тараққиёти қандай йўлдан боради, атом ядроси энергияси қандай роль ўйнаши керак, деган масалалар устида фикр юргиздилар.

Олимлар радиоактив изотоплар ёрдами билан эндиликда турли процессларни текширибгина қолмай, балки уларни бошқара ҳам оладилар. Медицина фанлари академиясининг корреспондент-аъзоси Г. М. Франк совет генетиклари одатдаги селекция йўли билан эмас, балки радиоактив мутациялар ёрдами билан ўсимликларнинг янги турларини вужудга келтираётганликлари тўғрисида ахборот берди. Унинг бу ахбороти ғоят катта қизиқиш туғдирди.

Англия, Чехословакия ва бошқа мамлакатларнинг вакиллари атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш инсоният учун буюк истиқбол яратажаги тўғрисида гапирдилар. Семинар қатнашчилари қўшма баёнот текстини якдиллик билан қабул қилдилар. Баёнотда бундай дейилади:

— Биз шу нарсани жуда яхши биламизки, ядро ва термоядро қуроллари синовларининг давом эттирилиши халқаро кескинликни ва ҳаддан ташқари ҳалокатли уруш хавфини кучайтирибгина қолмай, балки атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида тадқиқот ишларини нормал олиб боришга ҳам халақит беради. Биз, атом қуролини бутунлай тақиқлаш, бу қурол синовларини дарҳол тўхтатишни қатъий талаб этамиз ва атом уруши хавфига қарши курашаётган халқларга жон-дилимиз билан қўшиламиз ва бу масала юзасидан тегишли ҳукуматлар ўртасида дарҳол битим тузишни талаб қиламиз. Биз бутун дунё студентларини ана шу мақсадга эришиш учун қўлдан келган бутун чораларни кўришга чақирамиз. Атом энергиясидан фақат тинчлик мақсадларида фойдаланиш керак.

УНИВЕРСИТЕТ ВА ЖАМИЯТ

Студентлар қироатхонлар бўлмай, балки жамоат ҳаётининг актив қатнашчиларидир. «Университет ва жамият» деган дискуссияда сўзга чиққан кишиларнинг ҳаммаси ана шу фикрни баён қилди.

Япония вакили Танака бундай деди:

Бизнинг мамлакатимизда студентлар жамиятнинг энг прогрессив кучларидан биридир. Улар халқ оммасининг орзу ва тилакларини ифода этадилар. Неча минглаб студентлар ва профессорлар атом қуроли синовларига қарши чиқдилар ва бу қуролни тақиқлашни талаб этдилар. Аммо студентларнинг мамлакатдаги ижтимоий ҳаётда актив қатнашуви баъзи бировларга ёқмайди. Шу сабабдан университет эркинлигига қаттиқ ҳужум қилинмоқда, университетларнинг автономия учун курашига халақит берилмоқда.

Француз Анжер студентларнинг ўз ҳуқуқлари учун олиб бораётган кураши тўғрисида сўзлаб берди.

— Франциядаги олий ўқув юртларида, — дейди у, — ишчи ва батраклар болаларининг атиги 5 процентигина ўқимоқда. Студентларнинг атиги ўн олти проценти стипендия олмоқда. Бу стипендияларнинг миқдори олий маълумот олиш учун зарур бўлган харажатларнинг ярмининигина қоплайди. Ҳозирги вақтда француз студентлари олдида турган асосий вазифаларнинг бири мазҳабчиликни тугатиш ва университет маданиятини демократлаштиришдан иборат. Яқинда студентларнинг касаба союз ташкилоти тузилди. Бу ташкилот ёшларни умум миллий манфаатлар билан баҳраманд қилишда катта роль ўйнайди. Бу ташкилот социал адолатсизликка қарши курашда кучларни бирлаштиришга ёрдам беради.

Жанубий Африка Иттифоқи, Югославия, Германия Демократик Республикаси, СССР ва бошқа мамлакатларнинг вакиллари ҳам студентларнинг жамоат ҳаётидаги иштироки тўғрисида сўзладилар. (ТАСС).

Жаҳон демократик ёшлар Федерациясининг VI конгрессини чақириш тўғрисида

Жаҳон демократик ёшлар федерацияси VI конгресси информацион маркази 8 августда Москвада совет ва чет эл журналистларининг матбуот конференциясини ўтказди.

Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг президенти Бруно Бернини (Италия) матбуот конференциясида гапириб бундай деди: 16 августдан 22 августгача Киевда жаҳон демократик ёшлар федерациясининг VI конгресси ўтказилади. Конгресс кун тартибига қуйидаги масалаларни киритишга қарор берилди: ҳозирги дунёда ёшлар ва Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг вазифалари, Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг янги устави, молия контроли комиссиясининг доклади, Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг ижроия органларини сайлаш. Ялпи мажлислардан ташқари комиссиялар иш олиб борадилар, регионал учрашувлар ташкил этилади.

Бруно Бернини ўз нутқида аввалги конгрессдан кейин ўтган давр ичида Жаҳон демократик ёшлар федерацияси фаолиятининг баъзи якунларига тўхталиб ўтди. У, ер юзидаги йигит ва қизларнинг дўстлигини, ёшларнинг турли ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш соҳасида жаҳон фестивалларининг муҳим роль ўйнашини таъкидлади.

Бруно Бернини бундай деди:

— Ёшлар олдида турган проблемаларни ёшларнинг кўп ташкилотлари вакиллари қатнашадиган конгрессда амалга ошириш енгилроқ эканлигига ишонганимиз ҳолда, биз VI конгрессга катта умид боғлаймиз. Бу конгресс Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг кейинги йилларда қилган ишларининг якунларини тўплабгина қолмай, балки Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг бундан кейинги ишлари йўлларини ҳам белгилаб беради. Ёшларнинг истиқболига доир проблема бўлган тинчлик проблемаси конгрессда асосий ўринни олади.

Бруно Бернини Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг VI конгрессида қарийб 400 делегат қатнашажагини маълум қилди. Ҳозирги вақтда Жаҳон демократик ёшлар федерацияси 97 мамлакатдаги 85 миллион йигит ва қиз уюшган 250 ташкилотни бирлаштиради. Бу — Жаҳон демократик ёшлар федерацияси тузилган пайтдагига нисбатан қарийб уч баравар кўпдир. Деярлик барча ташкилотлар конгрессга ўз вакилларини юборадилар. Турли маслакдаги ташкилотлар Жаҳон демократик ёшлар федерациясини қўллаб-қувватламоқдалар.

Биз, деди Бруно Бернини, кузатувчилар учун ҳам конгресс эшикларини очиб қўямиз. Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг аъзоси бўлмаган юздан ортиқ ёшлар ташкилоти конгрессга ўз вакилларини юбориш ниятидадир.

Бернини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти вакилларининг конгрессда иштирок қилишини табриклади. Кузатувчилар ва меҳмонлар ялпи мажлисларда ва комиссияларда сўзга чиқа оладилар. Бу эса турли нуқтаи назарларни бир-бири билан таққослаб кўриш имконини беради. (ТАСС).

КОНКУРСЛАРНИНГ ЛАУРЕАТЛАРИГА МУКОФОТЛАР ТАНТАНАЛИ ВАЗИЯТДА ТОПШИРИЛДИ

8 августда фестивалнинг бадиий конкурслари тантанали вазиятда ёпилди. Қуйидаги рақамлар конкурсларда жуда кўп киши иштирок қилганлигини кўрсатади: йигит ва қизлардан 3109 киши санъатнинг 21 жанри бўйича конкурсларда иштирок қилди. Цейлон, Индонезия, Мадагаскар, Лаос, Камбоджа, Ироқ ва шу сингари бошқа мамлакатлар делегацияларининг аъзолари талантли ёшлар мусобақасида шу вақтгача бўлиб ўтган фестиваллар тарихида биринчи марта қатнашдилар.

Дунёдаги 47 мамлакат ёшларининг вакиллари классик ашула ва балетдан тортиб, цирк ва пантомимагача, фортепианодан тортиб миллий чолғу асбобларигача санъатнинг ҳамма турларида ўз кучларини синаб кўрдилар.

Жаҳон санъатининг машҳур арбоблари кирган жюри аъзолари пойтахтдаги учта энг яхши концерт залида — консерваториянинг катта залида, П. И. Чайковский номидаги залда ва Союзлар уйининг Колонна залида конкурсларнинг ғолибларига медаль ва дипломлар топширдилар. 280 ижрочи ва ижодий коллектив олтин медаль олди, 376 ижрочи ва ижодий коллектив кумуш медаль, 289 ижрочи ва ижодий коллектив бронза медали олди.

Дунёдаги кўп мамлакатларнинг машҳур санъат арбоблари—Г. Уланова (СССР), Е. Бандровска-Турска (Польша), Э. Лянваль (Франция), Генце (ГФР), Д. Ойстрахга (СССР) ва бошқа лауреатларга медаллар топширилди.

Классик ашула конкурси жюрисининг раиси, машҳур итальян ашулачиси Титто Скипа конкурс лауреатларига мурожаат қилиб бундай деди:

— Мен нотиқ эмас, балки ашулачиман. Шундай бўлса ҳам бутун сизларга бир неча гап айтишни истайман. Мен қўшиқларини эшитган ёш ашулачиларнинг ҳаммасига юксак баҳо беришни истайман.

Шундан кейин маэстро лауреатларнинг ўз маҳоратларини такомиллаштиришларини тилади ва ном чиқаришга ҳаддан ташқари берилиб кетишга қарши уларни огоҳлантирди.

СССР халқ артисти И. А. Моисеев классик ва халқ рақси, Шарқ халқларининг классик рақси ва бал рақслари бўйича ўтказилган конкурсларнинг якунларини тўплади. У конкурсларда ўз билими, меҳнати ва вақтини аямай сарф қилган жюрининг чет эллик аъзоларига совет жамоатчилиги номидан ташаккур изҳор қилди. И. А. Моисеев бутун дунё ёшларига санъатнинг ҳамма турлари соҳасида бундан буён ҳам муваффақият қозонишни тилади. (ТАСС).

УММОНДА АҲВОЛ

БАЙРУТ, 8 август. (ТАСС). Телеграф газетаси билдиради: Уммонда миллий-озодлик ҳаракати тобора кенг тус олмоқда. Инглиз ҳарбий қўмондонлиги қўзғолон қилган қабилаларни бостириш мақсадида кўп пиёда аскар бўлинмалари ва самолётларни Маскат султонатига ҳамда Уммон имоматига юборди. Газеталарнинг билдиришича, кеча инглизларнинг қуруқликдаги бўлинмалари бригада генерали Робертсон қўмондонлигида авиациянинг ёрдами билан Назва томонга ҳужум бошлаганлар.

Шу муносабат билан газета қуйидагиларни ёзади: қўзғолончилар инглиз мустамлакачиларга қарши қаттиқ курашни давом эттиришга қарор бердилар.

Редактор ўринбосари
М. ҚОРИЕВ.

ФРОНТ ЙЎЛИ

(ОХИРИ. БОШИ 3-БЕТДА).

—Ҳужжатларини текширинглар! —деди Адолат қизларга ва ўзи рота командирининг олдига борди.

Лейтенант ҳалокатга учраган машина олдида эди. Новча, қотмадан келган майор ерда чўзилиб ётипти. Афтидан, у машинадан бошини чиқариб кетаётган бўлса керак, автомат ўқи қулоғининг орқасидан тегиб, қаншаридан ёриб чиқибди. Сочи қонга беланиб, чилвирдек эшилиб, ивиб кетибди. Шофер соғ, аммо майорнинг тепасида тирик мурдадек гезариб турибди.

—Ўртоқ лейтенант, ижозат этинг!..

— Автоматни топшир, — деди лейтенант унга ўшқириб.

Адолат қўлидаги автоматни рота командирига узатаётган эди, лейтенант қўли билан Нинани кўрсатди...

— Жангчи Михайловага топшир.

Адолат автоматни Нинага узатди.

— Энди камарингни еч!

Адолат маҳкам боғланган камарини ечиб, узатди.

— Сўроқ бўлгунча блиндажга қамаб қўй буни! — деб буюрди лейтенант Нинага. Нина Адолатни катта йўлдан ўрмон ичига — сўқмоқ йўлга ҳайдаб кетди.

3

Адолат Нинани ротадаги ҳамма қизлар орасида энг яхши қиз деб биларди, уни севарди. У билан бир жойда ўтириб бирга овқатланарди. Энг яқин дўсти, сирдош дугонаси Нина энди уни блиндажга қамаб, эшикда соқчилик қилиб турибди.

— Нина, ҳо Нина!

— Мен Нина эмас, сержант Михайловаман! — деди Нина жаҳл билан.

— Дугонангни шу қадар тез унутасанми-а, ўртоқ сержант...

Нина бир нуқтага қараб турганича, пинагини бузмай жавоб қилди.

— Мен сенга ўртоқ сержант эмас. Сен маҳбус, мен соқчи.

Адолат жимиб қолди. Блиндаж қоп-қоронғи. Унинг туйниги ҳам, ойнаси ҳам йўқ. Гауптвахт учун қилинган бу зах хонада Адолатни қалтироқ босди. Маҳбус... Ватан олдидаги бурчини бажариш учун фронтга келиб, энди ҳолинг шуми? «Майорни отиб ўлдирдим... Ростдан ҳам мен совет офицерини ўлдирдимми? Эҳтимол, у муҳим топшириқ билан кетаётгандир. Эҳтимол, уни фронтда кутиб тургандирлар. Унинг ҳам севган ёри, соғиниб кутаётган болалари бордир. Нима қилдим мен? Энди мени суд қиладилар, жазолайдилар...»

Адолат хўрлиги келиб, пиқиллаб йиғлади. Кейин кўз ёши фойда бермаслигини англаб, яна Нинага гапира бошлади.

— Сен ҳам ўшанинг ёнини оласанми, сержант? — деди Адолат. — Мен қонуний иш қилдим-ку, менга раҳминг келмайдими?

Нина индамади. Шундан кейин Адолат ўзининг ҳақиқий банди бўлганига ишонди-да, ерга чўккайиб ўтириб олди. Шу чоқ унинг кўз олдидан туғилиб ўсган қишлоғи, далалар, йўллар, Москва, шлагбаум, юз берган ҳодиса, чўзилиб ётган мурда, кейин ёшлик чоғидан бери кўрган-билганлари, бирга ўқиган, бирга ўсган кишилари, дашт бригадасидаги қизлар, уни фронтга кузатиб қолган қадрдонлари бир-бир ўтди... Кейин, энди бўладиган воқиаларни кўз олдига келтиришга уринди. «Мени сўроқ қиладилар... Нима деб сўроқ қиладилар, қандай айб қўядилар? Оҳ, Нормат! Қаердасан? Нега мендан хабар олмайсан?..»

Адолат юраги сиқилиб, тоқати тоқ бўлиб, ўрнидан турди ва блиндаж эшигининг ёриғидан ташқарига қаради. Ўрмон ўз жойида турипти, қор ҳамон ёғмоқда, катта йўлдан боягидек машиналар қисқа-қисқа сигнал бериб ўтаётипти. Ана, котелогини тарақлатиб поход кухняси томон ўтган икки қизнинг қораси кўриниб қолди. Ҳаёт тўхтагани йўқ, ҳаёт давом этмоқда. Фақат биргина Адолат шу ҳаётдан четда. У маҳбус...

Кўнгилсиз ҳодиса юз берган жойга ВАД бошқармасидан, Смерчдан вакиллар келишди. Смерч вакили «Виллис» кузовасидаги чемоданни олмоқчи бўлди. Чемодан жуда оғир эди. У, машинанинг шоферига қараб, ёрдамлаш, деган эди, шофернинг юзи кесакдек гезариб кетди.

— Нима бу?

— Майор... майорники...

Смерч вакили шоферга буюрди.

—Чемоданни оч.

— Калиди йўқ, — деди у, — калиди майорда эди...

ВАД вакили майорнинг ёнини қарамоқчи эди, уни Смерч вакили тўхтатиб қолди:

— Қўйинг, калидсиз очамиз.

Смерч вакили чемоданни очишга уринаётганини кўрган шофернинг ранги яна ҳам оқариб кетди.

Смерч вакили чемоданни жойига қўйди-да, сидениени ағдариб, тагини қаради: бир қутича топилди.

— Радиопередатчик, — деди Смерч вакили.

— Ўликни машинага сол,— деб буюрди Смерч вакили, шоферга.

Шофер мурданинг белидан кўтарди-да, чўзилтириб кузовага ташлади. Мурда икки букилиб қолди. Икки автоматчи шоферни ўликнинг ёнига ўтқизиб, икки ёнига ўтирди.

— Текширишни фронт штабида давом эттирамиз, — деди Смерч вакили, рота командирига.

Лейтенант Адолатни ертўладан чиқариш учун одам юборди.

* * *

Адолат қоронғи ертўлада димиқиб кетди.

— Сержант, а сержант, —деди ялиниб Адолат. — Битта яхшилик қил менга!

—Нима қилай?

— Мен ариза ёздим. Шуни штабга юбор, мени тезроқ ҳақиқат қилишсин.

Нина атрофга қаради, гауптвахт олдида ҳеч ким кўринмагач, эшикни қия қилиб, қўлини чўзди.

— Узат.

Адолат аризани тўрт буклаб Нинага узатаётган эди, югуриб келаётган кишининг дупур-дупур оёқ товушлари эшитилди.

—Сержант, сержант!... — таниш овоз эшитилди. Гўё Нинанинг қилаётган ишини лейтенант кўриб қолгану, унга қарши жазо чопари юборгандек бўлди-да, Нина эшикни тақ ёпиб, орқаси билан унга тираниб олди.

Югуриб келган жангчи қиз шошилганидан, дудуқланиб гапирди:

— А-а... Адолат... Адолатни чиқар!

— Чиқарганим йўқ, — деди Нина унинг сўзини англамасдан,— қани чиқарганим!

— Чиқар, чиқариб юбор! Мана, камари, ўлдирилган майор бизники эмас экан. Фашист экан. Чиқар уни!

Нина гауптвахт эшигини катта очиб юборди. Адолат қафасдан чиққан қушдек отилиб чиқди ва хушхабар келтирган жанговар дугона билан, Нина билан қучоқлаша кетди.

—Айтмадимми, айтмадимми! — деб қичқирди Адолат. — Кўнглимга келган иш тўғри чиқмай қолмайди. Афсус...

— Ҳа, нега афсусланасан!

— Шофери тирик қолди.

— Уни штабга олиб кетишди,— деди жангчи қиз.—Соғ қутилмайди!

Адолат камарини боғлаб Нинага қаради:

— Автоматни бер, постга бораман!

ЧЕТ ЭЛЛАРГА КИТОБ СОВҒАЛАРИ

Ўзбек халқининг Хитой, Корея, Мўғулистон, Албания, Руминиянинг ва социалистик лагердаги бошқа мамлакатларнинг қардош халқлари билан маданий алоқалари кун сайин мустаҳкамланмоқда ва ривожланмоқда.

Чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти яқинда Тошкентда нашр этилган китобларни, республиканинг ҳаётини тасвирловчи фото суратларни чет элларга юборди.

Халқ демократияси мамлакатларига юборилган китоблар орасида ўзбек олимларининг асарлари, Мирзачўлни ўзлаштираётган Ўзбекистон ёшларининг қаҳрамонона ҳаёти тўғрисидаги китоб, ўзбек санъатини юксалтиришга бағишланган асарлар бор. (ЎзТАГ).

АМЕРИКА ТУРИСТЛАРИ ТОШКЕНТДА

Ер юзи бўйлаб саёҳат қилаётган америка туристларининг катта бир группаси Кобулдан Тошкентга келди. Бу группа составида Сан-Франциско давлат колледжининг профессорлари ва ўқитувчилари, руҳонийлар, адвокатлар, врачлар бор. Сан-Франциско колледжининг философия профессори Альфред Фиск группага бошчилик қилади.

Туристларнинг ана шу группа составида бўлган бир қисми ҳозирги вақтда Афғонистондадир. Улар бир неча кундан кейин Тошкентга келадилар. (ЎзТАГ).

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 10 ва 11/VIII да **Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/VIII да **Катта концерт** (ўзбекча), 11/VIII да кундуз **Чио-Чио Сан,** кечқурун **Кармен.**

КИНОТЕАТРЛАРДА:

НАВОИЙ номли (қишки) — кундуз 10, 12, 2 ва кеч 10 да **Фан-фан Тюльпан,** кундуз соат 4-дан кеч 8 гача **Сиҳрли қилич.**

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Тик босқичлар,** кундуз соат 4 ва кеч 6 да **Бошланган улуғ иш.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Ёшлик манбаи,** кеч соат 10 да **Маскарад.**

«ХИВА» — **Бошланган улуғ иш.**

«САЛЮТ» — **Илья Муромец.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТР
(Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида)
11 августда
КАТТА КОНЦЕРТ

Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артисти **Раззоқ Ҳамроев,** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Фароғат Раҳматова, Эътибор Жалилова, Зайнаб Полтушева, Абдуғафур Абдураҳмонов, Ашурали Юсупов** ва театр солистлари қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ
АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ АРТИСТЛАРИ СОСТАВИГА КИРИШ УЧУН
КОНКУРС
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. **Оркестр составига:** ғижжакчилар, рубобчилар, қўшнайчилар, афғон рубобини чалувчилар, контрабаслар.
2. **Хор составига:** ашулачилапарчилар.
3. **Балет составига:** раққосалар ва раққослар.

Ўзбек тилини билган ва тегишли қобилиятга эга бўлган, 18 ёшдан 30 ёшгача эркак ва хотин-қизлар конкурсда қатнаша олади.

Аризалар 20 августгача қабул қилинади. Аризага қисқача таржимаи ҳол ва 6X9 сантиметр катталигида иккита фотокарточка қўшиб бериш лозим.

Конкурс Свердлов номли концерт залида 21 августдан 30 августгача ўтказилади.

Бошқа жойлардан келганлар конкурс даврида ётоқ билан таъминланади.

Ариза топшириш учун адрес: Тошкент шаҳар, «Правда Востока» кўчаси, 10-уй, кадрлар бўлими, Конкурс комиссияси учун.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 34048, Маҳаллий ахборот бўлими — 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 04921. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № 1864.